Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 19 апрель, чоршанба • № 31 (10.707) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЧИМКЕНТ УЧРАШУВИ

Қадим турон заминида яшаб келаётган халқларнинг ўзаро қўшничилик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорлиги узоқ-узоқларга бориб тақалади. Миллий мустақилликка эришган Марказий Осиё республикалари янада яқинлик ва ҳамжиҳатлик йўлини тутдилар.

14 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ана шу биродарлик ва ҳамкорлик йўлидаги яна бир дадил қадам бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев иштирок этди.

Жанубий Қозоғистон вилояти марказидаги металлурглар маданият саройида уч давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлди. Президентлар тақдири муштарак ва келажаги бир хил бўлган Марказий Осиё халқларининг тарихий, жўғрофий, маданий яқинлиги ва тилининг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда кўп асрлардан буён давом этаётган яхши қўшничилик алоқалари негизида ўзаро яқинлашиш жараёни қонуний ва ихтиёрий тарзда давом этаётганини қайд этдилар. Шунинг баробарида, минтақадаги ҳар бир давлат ўз истиқлоли ва сиёсий мустақиллигини дадил мустаҳкамлаётганини таъкидладилар. Ўзаро иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш лозимлиги айтилди.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

Музокаралар сўнгида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро кенгаши қарорини ҳамда уч республика Президентлари учрашуви тўғрисидаги ахборотни имзоладилар. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарлари Тожикистон бўйича баёнот қабул қилдилар.

Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Аскар Акаев журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Хусусан юртбошимиз Ислом Каримов 29 апрель куни Қозоғистонда ўтадиган референдум ҳақидаги саволга жавоб берар экан, жумладан бундай деди:

— МДҲ давлатлари бир тузумдан бошқасига ўтиш даври қийинчиликларини бошдан кечираётган бир паллада бизга қўшни ва қардош Қозоғистон халқининг тинчлигини, осойишталигини юксак қадрлаймиз. Албатта, биз қўшни давлатнинг ички сиёсатига аралашмаган ҳолда, шу мамлакат Президенти Нурсултон Назарбоев юритаётган сиёсатга Қозоғистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари аҳиллик ва холислик билан ўз фикрларини билдиришларига ишончимиз комил.

Сафар мобайнида уч қардош мамлакат раҳбарлари Чимкент шаҳридаги темирчилик-пресслаш ускуналари ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. Маълумки, Чимкент Қозоғистоннинг йирик саноат шаҳарларидан бири саналади. Президентлар бирлашманинг халқ хўжалиги учун зарур дастгоҳ ва ускуналар ҳамда халқ истеъмоли моллари тайёрлайдиган цехларини кўздан кечирдилар. Ишчилар билан суҳбатлашдилар. Бундан ташқари, уч республика Президентлари Чимкент автобуслар йиғиш заводида бўлиб, корхонанинг хорижий шериклар ҳамкорлигида фаолият кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлари билан танишдилар.

Чимкент сафарида мамлакатимиз Президентига республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкентга қайтиб келди. Аэропортда мамлакатимиз раҳбарини республика Олий Мажлиси раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзА).

Ғалабанинг 50 йиллиги

ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТИШИ ТАЙЁРГАРЛИККА БОҒЛИҚ

17 АПРЕЛЬ куни Олмалиқ шаҳар ҳокимлигида 1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими Э.М.Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда вилоят ташкилий қўмитаси аъзолари билан биргаликда бу қутлуғ санани ўтказишга масъул бўлган вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари раҳбарлари иштирок этдилар.

Маълумки, ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган вилоят тантаналари Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Олмалиқ шаҳри ҳокими Ю.Беланов шаҳарда байрамга тайёргарликнинг бориши, белгиланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот берди. Шунингдек, йиғилишда 50 йилликка бағишланган вилоят байрам тантаналарини ўтказиш дастури режиссёри Б.Сайфуллаев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини Б.Ҳакимов, «Вилоятсавдо» концерни раиси Ғ.Турсунов ва бошқа бўлим ҳамда бошқарма раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган байрамни ҳар бир туман ва шаҳарда зўр уюшқоқлик билан ўтказиш, бунинг учун барча куч ва имкониятларни ишга солиш лозимлиги қайд этилди.

Кўрилган масала юзасидан мутасадди бўлим ва бошқармаларга ҳамда ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди. Байрамни юқори савияда ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

ВОҚЕАЛАР * ХАБАРЛАР * ЯНГИЛИКЛАР

«ВАТАН» — ХИЗМАТИНГИЗДА

БЕКОБОД туманида хайрли ишга қўл урилди. Бу ерда ҳаммага яхши маълум ва машҳур Калифорния қизил чувалчанглари ёрдамида биогумус ўғити тайёрлаш билан шуғулланувчи «Ватан» кичик корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

Мазкур корхона билан ҳамкорлик қилишни истаган хўжаликлар, фермерлар ва бошқа жамоалар учун унинг эшиклари доим очиқ. Бу ердан сиз тайёр маҳсулотларни харид қилиш билан бирга қизил чувалчангларни кўпайтириш ва биогумус ишлаб чиқариш технологияси билан танишишингиз, экинлар ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ қимматли маслаҳатлар олишингиз ҳам мумкин.

К.МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

«ЗООВЕТСЕРВИЗ»ДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Тошкент вилоятида гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, айниқса соҳа ривожига тўғоноқ бўлаётган нуқсонларни бартараф этиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Бунинг учун нималарга эътибор бериш лозим?

Вилоят ветеринария хизмати бўлими ташаббуси билан Тошкент туманидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалигида ўтган семинар-кенгаш ана шу мавзуга бағишланди. Чорва мутахассислари иштирок этган анжуманда соғин сигирлар наслини яхшиламай туриб, юқори маҳсулдорликка эришиб бўлмаслиги қайд этилди. Тажриба шуни кўрсатдики, сут ва гўшт етиштиришда чорвачиликка иқтисослашган хусусий ва деҳқон (фермер) хўжаликлари юқори самарадорликка эришмоқда. Аммо, айрим хўжаликларда наслнинг ёмонлиги оқибатида маҳсулдорлик кескин пасайиб кетди. Айрим чорва фермаларида олинган маблағ сарф-харажатни қопламади. Қолаверса, хонадонлардаги шахсий чорва унутиб қўйилди.

Кенгаш қатнашчилари чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш учун туманларда «зооветсервиз» пулли хизмат кўрсатиш пунктлари ва дорихоналар очиш лозим деган қарорга келдилар. Бу тадбир шахсий ва фермер хўжаликларидаги чорва моллари саломатлиги ва наслини яхшилашга хизмат қилиш билан бирга соҳанинг иқтисодий тангликда чиқишига кўмаклашади.

Пўлат НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

БОЛҒАЛИ ДАШТИДА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

МАШҲУР аждодимиз Саркарда Бобур Мирзо Андижон қамалидан кейин Кандир довони орқали Қурама вилояти билан Паркентга кетаётиб, Болғали даштида туна-ган эканлар. Аммо қип-қизил даштда на ўт-ўлан ва на ёқиш учун бирор чўп топилмабди. Шунда Бобур Мирзонинг аёнларидан бири бўлмиш хожа Зубайр бу ернинг ташландиқлигидан зорланганида Бобур Мирзо унга тасалли бериб, «Иншооллоҳ, агар юрт тинчиб, оллоҳ қазога сабр берса, бу ерларни ҳам обод қилурмиз», деган эканлар. Буюк саркардининг машҳур «Бобурнома»сида бу ҳақда зикр этилган.

Дарҳақиқат минглаб йиллар ташландиқ дашт бўлиб ётган Болғали бугун инсон азми билан Оҳангароннинг сўлим гўшаларидан бирига айланди. Ҳозир бу ерда фаолият кўрсатаётган тўртта хўжаликнинг ҳаммасида маданий-маиший турмуш даражаси анча яхши бўлган аҳолиси хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожи йўлида баракали меҳнат қилмоқда. Шулардан бири «Дўстлик» жамоа хўжалиги ҳисобланади.

Яқинда Дўстлик қўрғонида яна бир қувончли воқеа юз берди. Қўрғон аҳолиси йиллаб орзиқиб кутган бу воқеа қишлоқларга «зангори олов»нинг келиши билан боғлиқ. Дўстлик қўрғони меҳнаткашлари хонадонига газ кириб келди. Хўжалик ишлаб чиқаришидан келган даромаддан сал кам уч миллион сўм сарфланиб, бу ердаги барча хонадонлар газлаштирилди. Қисқа фурсатлардан сўнг хўжаликнинг Қорақир, Қаторовул, Тошсой аҳоли манзилгоҳлари ҳам газлаштирилади.

«Дўстлик»да биринчилар қаторида газ уруш ва меҳнат фахрийлари Собир Маҳкамов, Ғани Соипов, Зуфар Усербоев, Султон Пардаев ва бошқаларнинг хонадонларига туширилди. Яқин кунларда қўрғондаги ҳамма 104 хонадон, болалар боғчаси, мактаб, маиший комбинат, ҳаммом ва бошқа муассасалар ҳам газлаштирилади. Болғали даштидаги яна бир хўжалик «Шодималик» жамоа хўжалигига ҳам «зангори олов» етиб боради.

МУМИН ҚАЮМ,
Оҳангарон тумани.

САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

Паркент туман Санганак қишлоқ маданият уйида «Истеъдод — 95» деб номланган санъат фестивали бўлиб ўтди. Унда юздан зиёд халқ истеъдодлари иштирок этдилар. Фольклор — этнографик ансамбллар, миллий эстрада гуруҳларининг чиқишлари, ашула ва рақс дасталарининг турли жанрлардаги концерт томошалари, сўз усталарининг ичакузди ҳангомалари, миллий цирк гуруҳларининг ҳайратомуз томошалари танловга ташриф буюрган мухлислар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Уларга ҳомий ташкилотларнинг махсус мукофотлари топширилди.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

«АЛКОТЕЛЬ» ҲАМКОРЛИГИДА

Тошкентда электрон АТСлар ишга тушмоқда

Республикамиз шаҳарлари телефон тармоқларига автоматик телефон станцияларининг бутунлай янги авлоди — электрон АТСлар кириб кела бошлади. Шулардан бири «Германиянинг «Алкотель» СЕЛ РФТ фирмасининг АТСларидир. Фирма Тошкент марказидаги 32-АТС жиҳозларини электрон АТСга алмаштириш борасидаги мантаж ва созлаш ишларини ниҳоясига етказди ва Тошкент алоқачилари билан бирга ишга туширди.

Янги АТСга уланиш муносабати билан 32-АТС абонентларининг телефон рақамлари 36 билан бошланадиган бўлди. Абонентларга электрон АТСлар кўрсатиши мумкин бўлган қўшимча хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди, айниқса блокиратор орқали ишлайдиган телефон эгаларининг қувончлари чексиз бўлса ажаб эмас, чунки янги АТСда блокиратор орқали телефон ўрнатиш умуман кўзда тутилмаган. 36-АТС ҳозирча 5000 абонентга мўлжалланган, кейинчалик эса10.000 номерга кенгайтирилади. Кейинги босқичда эса 33-АТС жиҳозлари электрон АТСга алмаштирилади. Ундан кейинги навбат 44-АТСга келади. Қолган АТСлар навбатма-навбат янгиланади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки алоқа ускуналарини ўрнатиш, ишлатиш борасида Германия билан узоқ йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келинади. Хусусан, «Сименс» фирмасининг Тошкент телефон тармоғи билан дастлабки ҳамкорлиги 1904 йилнинг сентябрь ойидан бошланган. Ўтган йиллар ичида Германияда ишлаб чиқарилган алоқа техникаси турдош техникалар ичида пухталиги ва ишончлилиги билан ажралиб турган. Ҳозирги электрон АТС ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда. 32, 33, 44-АТСларнинг ҳозирги жиҳозлари АТС-54 маркали АТСлар бўлиб, улар ҳам Германия фирмаларининг маҳсулотидир. Улар ўз даврида энг яхши АТСлар ҳисобланган бўлса-да, бугунги кунда анча эскириб қолган эдилар.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

Электромонтёр Ҳамида Раҳмонова ва прораб Людмила Крюковалар янги кросдаги монтаж ишларини назорат қилмоқдалар.

Муаллиф суратга олган.

ТОШКЕНТДА НЕМИС ЎҚУВ ЗАЛИ

Республика илмий методика марказида немис ўқув зали очилди.

Мазкур воқеа Ўзбекистон-Германия алоқаларининг мустаҳкамланиши йўлидаги муҳим қадамлардандир. Кутубхонада Тошкентдаги Германия элчихонаси ходимлари тақдим этган қарийб 5000 га яқин китоб йиғилган. Бу ерда немис халқи ҳаёти ва немис тилига қизиқувчи юртдошларимиз ўзларига керакли кўпгина маълумотларни олиш имкониятига эга.

Мазкур тадбир Германия Федератив Республикаси Президенти Роман Герцогнинг юртимизга ташрифи арафасида амалга оширилди. Бу эса мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ўқув залининг очилиш маросимида Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этди.

(ЎзА).

БИРИНЧИ ИШЛОВ БОШЛАНДИ

Чигит экишни барвақт тугаллаган Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги далаларида ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов беришга киришилди

ХАЛҚИМИЗДА эрта эккан, эрта олади, деган гап бор. Айниқса, бу йил ҳаракатни барвақт қилган деҳқон ютди. Хусусан, Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги пахтакорлари уруғликни оби-тобида экиб олдилар. Бу барча майдонларда чигитни ернинг табиий намига тўла ундириб олиш имконини берди.

Куни кеча хўжалик далаларига дастлабки ишлов тракторлари ҳам олиб чиқилди. Шу муносабат билан хўжаликда туман пахтакорларининг кўргазмали семинари ташкил этилди. Унда хўжалик раҳбарлари, бош ҳосилот ва муҳандислар иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда ғўза қатор ораларига дастлабки ишловнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги, шунинг учун бу тадбирни чигит униб чиққан майдонларда ўз вақтида ўтказиш мўл ҳосил яратишда муҳим замин бўлиши таъкидланди.

Дарҳақиқат кўп йиллик тажрибалар бу борада илғор хўжаликлар усулларини қўлланиш яхши самара беришини исботлаб келган. «Тинчлик» жамоа хўжалиги пахтакорлари эса бу борада катта амалиёт тўплашган.

Бугун шуни мамнуният билан айтиш керакки, вилоятимизнинг бошқа туман ва хўжаликларида ҳам дастлабки майдонларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш бошланганлиги тўғрисида хабарлар келмоқда. Энди деҳқонларимиз олдида турган энг катта вазифа мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, барча агротехника тадбирларини маромида ўтказишдан иборатдир. Бунинг учун барча имкониятлар бор.

Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев, вилоят ҳокимининг биринчи муовини Т. М. Мирёқубов, Янгийўл тумани ҳокими Й. Тожибоев иштирок этдилар. Ўзаро маслаҳат асосида ўтган бу йиғилиш деҳқонларимизга келгуси агротехника тадбирларини ўтказишда катта кўмак беради, деб ўйлаймиз.

ШИОРИ — АДОЛАТПАРВАРЛИК, ХАЛҚЧИЛЛИК, ҲАҚҚОНИЙЛИК

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши иш бошлади

ЎЗБЕКИСТОН «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилоят ташкилотининг биринчи конференцияси Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорациясида бўлиб ўтди. Ташаббускор гуруҳ аъзолари бундан бироз олдин шу ерда «Адолат» социал-демократик партияси вилоят ташкилотини тузиб, республика таъсис қурултойига 11 нафар вакил сайлаган эдилар. Қурултойда партия Сиёсий кенгаши раёсати, котиблари ва тафтиш комиссияси сайланди, партиянинг Низоми ва Дастури қабул қилинди.

Эндиликда республиканинг барча вилоятларида янги тузилган «Адолат» социал-демократик партиясининг конференциялари ва ташкилий пленумлари бўлиб ўтмоқда. Дастлабки конференция ва пленум Тошкент вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳарларда тузилган ташаббускор гуруҳларнинг 120 нафар вакили иштирок этди. Конференцияни ташкилий қўмита раиси Т. Қ. Мадиёров кириш сўзи билан очди.

Конференцияда «Адолат» социал-демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Анвар Жўрабоев маъруза қилди. У янги партиянинг тузилмаси, мақсади ва вазифалари ҳақида батафсил тушунча берди.

«Адолат» социал-демократик партиясини тузиш ғояси анча илгари пайдо бўлган эди. Истиқлол туфайли одамлар онгида туб ўзгаришлар рўй бермоқда, янги ғоялар туғилмоқда. Маслакдошлар бирлашиб, мустақилликни мустаҳкамлаш, ислоҳотлар кўламини кенгайтириш, янги даврга муносиб кишиларни тарбиялаш, ҳамма соҳада адолат ўлчови билан иш юритиш учун бир партияга бирлашиш эҳтиёжини сезяптилар. Бу истак Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларнинг сайловолди учрашувларида яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлди. Ниҳоят, Олий Мажлисга бўлган сайловлар арафасида янги партия рўйхатга олинди. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида «Адолат» социал-демократик партиясига хайрихоҳ бўлган ва унинг ғояларини қўллаб-қувватлаган 47 нафар депутатдан иборат парламентда алоҳида фракция тузилди.

Адолатпарварлик, халқчиллик, ҳаққонийликка даъват этувчи ғоялар партиянинг Низоми ва Дастурига сингиб кетган. Ҳамжиҳатлик, миллий тотувлик ва осойишталикни таъминлаш партиянинг бош мақсади ҳисобланади. Шу мақсадлар йўлида у ҳукумат ва бошқа сиёсий партиялар билан ҳамкорликка ҳамиша тайёр. Буюк бобомиз Амир Темурнинг «Куч—адолатда» деган пурҳикмат сўзлари партиянинг шиорига айланган. Республика Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашда адолат мезонини таъминлаш, тақсимотда халқнинг ризқини қиймаслик, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитини яхшилаш борасидаги йўл-йўриқлари жойларда қандай бажарилаётганлигини янги партия яна ҳам изчиллик билан назорат остига олади. Олий Мажлисдаги фракция аъзолари янги қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш йўли билан халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга, ҳамма соҳада адолатнинг тантана қилишига ҳисса қўшадилар.

Янги партия ўз сафларини ўстиришда асосий эътиборни сонга эмас, балки сифатга қаратади. Одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган, қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш қўлидан келадиган, оқ-қорани таниган, ҳалол, қатъиятли кишиларгина партияга аъзо бўлишлари мумкин. Токи улар иштирокида бутун мамлакатда тартиб-интизом янада мустаҳкамланиб, салбий ҳолатлар тўла бартараф этиладиган бўлсин.

Конференцияда сўзга чиққан Бекобод тумани халқ таълими бўлими мудири Қурбон Олмонов, Ўртачирчиқ туманидаги темир-бетон буюмлари заводи директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ваҳобжон Ҳалилов, Тошкент тумани ҳокими муовини Абдурасул Тожибоев, Пискент тумани халқ таълими бўлими услубчиси Буойша Неъматова «Адолат» социал-демократик партияси ғояларини рўёбга чиқаришда фаол қатнашишларини билдирдилар.

Конференция қатнашчилари бир қатор ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. 25 кишидан иборат тартибда партиянинг вилоят кенгаши, партия ташкилотининг тафтиш комиссияси сайланди.

Шу куни янги сайланган «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси Президенти Т. Қ. Мадиёров «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби, вилоят ҳокимлигининг етакчи мутахассиси лавозимида ишлаб келган Х. Х. Алиев вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби ва вилоят маҳаллий саноат-савдо концерни раиси Л. А. Акбарова вилоят кенгаши котиби этиб сайландилар.

Пленумда, шунингдек, кенгаш раёсати ҳам сайланди.

Ж. НОСИРОВ.

Ҳуқуқшунос минбари

ИНСОН — ЖАМИЯТ — ДАВЛАТ

Республика Президентининг Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида мамлакатимизда демократик давлат қуриш, янги босқичда иқтисодий ислоҳотларни шакллантириш, баркамол инсонни камол топтириш, маънавиятга, маданий меросимизга ҳурмат тамойиллари чуқур таҳлил этиб берилди

Ўзбекистон халқи 70 йил давомида ўзининг тўрт минг йилдан ортиқ давлатчилик тарихини унутиб, ўзга мамлакатларда қолипланган ва ривожлантирилган ғоялар, «назария»лар асосида яшаб келди. Жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган, халқимиз тилини, динини, урф-одатларини «эсдан чиқаришга», пролетариат диктатураси чизиб берган сиёсий тартибда яшашга мажбур бўлди. Натижада мамлакатда жамият ва давлат тараққиётининг табиий қонунларига қарама-қарши ўлароқ ривожлантирилган тенглаштириш сиёсати оқибатида боқимандачилик, демократия ўрнида диктатуранинг ўрнатилиши натижасида эса маъмурий-буйруқбозлик, миллий урф-одат, диннинг тақиқланиши туфайли маънавий кемтиклик юзага келди.

Республикамизда мустақиллик эълон қилинганидан кейингина Ўзбекистон янгича яшаш тарзини, янги сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда ислоҳотлар ўтказиш, ўзининг асл ривожланиш йўлини танлади.

Зўрлик асосида тикланган буюк социалистик империянинг парчаланиши оқибатида бошқа миллий демократик давлатлар қаторида, юртимиз ҳудудида ҳам ёш ҳуқуқий демократик давлат вужудга келди. Диктатура тугатилиб, демократия яъни халқ ҳокимияти томон ривожланишга асос солинди. Ўзбекистонда миллий уйғониш натижасида эскича дунёқараш ўрнига, янгича дунёқараш шаклланиб, ана шу асосда давлат, ҳуқуқ, фуқаролик жамияти қурилиши амалга оширила бошланди. Табиийки, янги дунёқараш, давлат, ҳуқуқ, демократия осонликча, ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ, албатта. У ўтиш даврининг сиёсий, иқтисодий, ғоявий қийинчиликларини енгиб, тинчлик, босқичма-босқич демократик фуқаролик жамияти томон ривожланмоқда. Инсон ҳуқуқлари кафолатланган фуқаролик жамияти Ўзбекистонда бугун жаҳон ҳамжамияти эришган тажриба ва қадриятлар асосида шаклланиши эътиборга лойиқдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси Ўзбекистон давлати ва халқининг истиқболдаги ривожланиши асосий тамойилларини белгилаб берди. У миллий маънавиятга янгидан куч-қувват ато этиб, демократик ҳуқуқий давлат ҳақидаги дунёқарашнинг шаклланишини янги поғонага кўтарди.

Хўш, Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат экан, унинг бошқа демократик кўринишдаги давлатлар билан қандай боғлиқлиги мавжуд? Маърузада бу саволга аниқ жавоб берилди. «Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир. Унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир». Дарҳақиқат, демократик давлатлар умумий қонуниятга асосан пайдо бўлиб, ривожлансалар-да, аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эгадир. Бизнинг барпо этаётган давлатимиз, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясида, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга ҳамда қадриятларга, шароитимиздан келиб чиқиб белгиланган тамойилларимизга асосланганлиги билан эътиборга лойиқдир. Умумий характердаги демократик жамият тамойиллари қуйидагилардан иборат: Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсиниши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги, қонуннинг устиворлиги, давлат органларининг сайланиши ва сайловчилари олдида ҳисоб бериши, кўп партиявийлик, референдумлар ўтказиш кабилар шулар жумласидандир.

Бу демократик тамойиллар бизнинг республикамиздаги бугунги кун талабларини, миллий маънавиятлар ва қадриятларни ҳисобга олган ҳолда татбиқ қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шакланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор, — деди Президент Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида.

Ҳақиқатан ҳам бизга шошилинч, инқилобий ўзгаришлар керак эмас. Айниқса, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида бунга йўл қўйиб бўлмайди. Энг муҳими, жамиятда демократик ўзгаришлар одамларнинг тафаккури, ижтимоий-сиёсий савияси билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Шарқда демократик қадриятлар Ғарбдагидан тубдан фарқ қилади. Ғарб демократияси кўп жиҳатдан яккашахс фалсафасига асосланса, Шарқ демократияси эса кўпроқ ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устиворлигига асосланади. Шарқда демократик қадриятларнинг бундай ўзига хос томонларини давлат ва жамиятнинг бошқарилишида ҳисобга олиниши ўта аҳамиятлидир. Буни биз маҳаллаларда олиб борилаётган ишларда кўришимиз мумкин. Маҳаллаларда кўп ҳаётий масалалар жамоатчилик асосида ҳал қилинади.

Шарқ демократиясининг энг муҳим хусусиятларидан яна бири, бу адолат ва ҳақиқат тушунчасидир. Адолат — халқимизнинг тафаккуридан мустаҳкам ўрин эгаллаган ғоя бўлиб, асрлар давомида «адолатли жамият», «адолатли давлат», «адолатли шоҳ»лар, адолатли қонунлар тўғрисида достонлар, кўплаб асарлар яратилганлиги бежиз эмасдир. «Адолат ва ҳақиқат ғояси, — деди Олий Мажлис сессиясида Ислом Каримов, — ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт».

Давлат қонун орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солишда барча табақалар ва кучларни муросага келтирувчи куч сифатида улар ўртасидаги тафовут, зиддиятларни кескин чуқурлашиб, мураккаблашиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Жамиятнинг кескин суръатда бойлар ва камбағалларга бўлиниб кетишининг олдини олиш зарур.

Жамият тубдан янгиланаётган, ҳали айрим одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашларида эскилик қолдиқларининг сақланиб қолганлиги боис бугунги кунда Ўзбекистонда кучли, марказлашган ижро ҳокимияти зарур. Бу — давр талаби. Аммо бундан давлатнинг ижроия ҳокимияти ҳамма вақт ҳам ўзгармасдан марказлашган ҳолда сақланиб қолаверади, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Жамиятнинг ривожланиши ва барқарорлашишининг мустаҳкамланиши борасида босқичма-босқич маҳаллий давлат органларининг ҳуқуқлари ҳам кенгая боради. Гап шундаки, келажакда марказ ихтиёрида мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул, молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш каби масалалар қолиб, бошқалари вилоят, шаҳар, туманларнинг ихтиёрига берилади. Шундай давлат аппаратини вужудга келтириш керакки, у раҳбарларнинг ўзгариши, келиб кетишларидан қатъий назар, соат механизми сингари ўзгармасдан Конституция ва қонунларга биноан ҳаракат қилиши лозим.

Бу ниҳоятда мураккаб ва улуғвор вазифалардир. Демократик фуқаролик жамиятини яратиш жараёнида амалга ошириليши керак бўлган, асло кечиктириб бўлмайдиган масалалар Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидланди. Булар қуйидагилардир.

Биринчидан, мамлакатда шундай қонунлар тизими яратилиши керакки, фуқароларнинг сиёсий, миллий тенглигини таъминлайдиган, хусусий мулкнинг ривожланиши натижасида табиий равишда пайдо бўладиган одамлар ўртасидаги бойлик ва камбағалликка қараб табақаланишнинг чуқурлашиб кетишининг олдини олиш лозим. Шу билан айни бир замонда, қабул қилинган қонунларни ҳаётга тадбиқ қиладиган механизмларни ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, давлат ҳокимият органлари, уларнинг барча тармоқ ва бўғинларининг ҳуқуқ ва вазифаларини аниқ ўзида ифодалаган қонун қабул қилиш лозим. Бу қонун давлат ҳокимият органларининг тармоқлари: қонун чиқарувчи Олий Мажлис, ижро ҳокимияти — Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти органларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг мустақиллик ҳолатларини улар ўртасидаги мувозанати каби масалаларни ўз ичига олиши керак. Бу давлат органларида бугун ортиқча бўлган ва буйруқбозликка олиб келаётган идора ва ташкилотларни ихчамлаштириб, уларнинг ишчанлик фаолиятларини оширишга қаратилган қонун бўлиши керак.

Учинчидан, давлат аппарати асосан унда хизмат қилаётган раҳбар кадрларга боғлиқ бўлади. Давлатни бошқариш энг нозик санъат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кадрларнинг малакаси, уларнинг имонли, ишончли, халқ ҳурматига сазовор бўлишлари давлат органларининг ҳамма бўғинларида ишнинг яхши кетишини таъминлайди. Буйруқбозлик, порахўрлик, коррупция мавжуд бўлган давлат аппарати самарали ишлаши мумкин эмас. Шу боис ҳам давлат аппарати хизматчилари ҳақидаги қонунларда улар қандай талабларга жавоб беришлари, уларнинг масъулияти, униб-ўсиши, ижтимоий ҳимояси каби масалалар ўз ифодасини аниқ топган бўлиши лозим.

Тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш — суд ҳокимияти ва прокуратура, адлия, милиция, давлат хавфсизлик қўмитаси каби органлар тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу органларда ишлайдиганлар ҳақида қонун қабул қилиб, унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлаётган ходимларнинг сифатлари, бажараётган ишлари учун жавобгарлиги ҳисобга олиниши керак.

Бешинчидан, партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилоти ва бошқа турли жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарур. Жамоат ташкилотлари, уюшмалар, бирлашмаларни ҳам жонлантириш зарур. Ҳозиргача ягона бўлган «Жамоат ташкилотлари тўғрисида»ги қонун бугун ўз вазифасини бажарди. Эндиликда турли-туман сиёсий партиялар, уюшмалар, бирлашмалар, ташкилотлар тўғрисида фармонлар, қарорлар юзага келди. Келажакда ўз-ўзини бошқариш ва жамоат ташкилотларининг ваколатлари, ҳуқуқлари кенгайтирилишини назарга олганда бугун улар тўғрисида замон талабига жавоб берадиган қонунлар тизимининг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, давлат ва иқтисодий муносабат масаласида эркин бозор муносабатларига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тенг ҳуқуқли турли мулк шаклларининг амал қилиши ва ниҳоят, мулкнинг мукаддаслигини таъминлаш масалалари — иқтисодиётни бошқариш, фақат қонунлар воситасида амалга оширилади. Бу борада эътибор бошқарув органлари фаолиятини аниқ белгилаб қўйиши, зўравонлик, сансалорлик, буйруқбозликка йўл қўймаслиққа қаратилмоғи зарур. Қонунлар иқтисодиётимизнинг таянчига айланиши керак. Давлат эса ана шу қонунларни амалга оширилишини таъминлайдиган кучдир.

Еттинчидан, давлатда тарбия, таълим маориф масалаларини такомиллаштириш, айниқса, ижтимоий фанларни ўргатишда тарихга, адабиётга, санъатга, маданиятга бугунги кун нуқтаи назаридан янгича ёндошиш зарур. Мактаб — ўрта — Олий таълим — илмий-тадқиқот институтларининг бир бутун тизимларини вужудга келтириш, уларда ўқитиладиган ўқув фанлари китоблари, қўлланмаларини яратиш керак. Бу масалада илмий-техникавий тараққиётга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Саккизинчидан, инсон ва давлат муносабатлари масаласида фуқаро ва унинг ҳуқуқлари, эркинликлари давлатда ҳимояланган, кафолатланган бўлиши керак. Бундай маданиятга эришишда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Конституциямиз талаблари устивор бўлмоқда. Умуман, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш парламент, ҳукумат, ҳокимият ва ташкилотларнинг диққат марказларида бўлиши зарур.

Президент маърузасида баён қилинган давлат ва ҳуқуқнинг умумий ва хусусий қонуниятлари, ғоялар, тадбирлар давлат ва ҳуқуқ асосларини ўргатишда ўрта мактаб, институт ва дорилфунунларда ўқув дарсликларининг мавзуларига айланиши давлатимизнинг вазифаларини аниқлашда асосий дастур бўлиб хизмат қилмоғи керак.

Ҳалимбой БОБОЕВ,
Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати,
Тошкент Давлат юридик институти проректори, юридик фанлари доктори, профессор.

РУҲИГА ТАЪЗИМ

Хотира

Агар Умрия ака ҳаёт бўлганда бугун уни 70 ёши билан қутлаган бўлардик. Афсус...

Ҳеч эсимдан чиқмайди, 70-йиллар эди. Қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш масаласига бағишланган фаоллар йиғилиши борар эди. Уни обком котиби раҳматлик Ҳадича опа Мусахонова бошқарарди. Музокарада сўзга чиқаётганлар асосий мавзудан четлаб кетишди. Қайсидир бир хўжалик фирқа ташкилотининг котиби эса гапни далага маҳаллий ўғит солишдан бошлаб, пахта йиғим-теримига тайёргарлик билан тугатди.

Ўртачирчиқ тумани партия комитети котиби Умрия Йўлдошевнинг ёнида ўтиргандим. Ҳадича Раимовна Умрия акага қараб имлаб қўйдилар. Умрия ака бу ишорани дарҳол илғади: сўзга чиқиши керак. (Аслида у гапирувчилар рўйҳатида йўқ эди).

— Навбатдаги сўз — Умрия Йўлдошевича...

У минбардан залга бир тикилди-да, босиқлик билан, лекин андак асабийлашиб сўз бошлади:

— Мендан олдин гапирган нотиқлар ҳамма соҳани тилга олишди-ю, асосий масала ҳақида индашмади. Менинг назаримда бу ерда гап жонли одамлар билан, хусусан, дала меҳнаткашлари билан ишлаш хусусида бўлмоғи керак эди. Нима қилсак, одамларнинг оғири енгил бўлади? Тутларга омонат илинган осма беланчаклар ўрнига бирор нарса топиш мумкинми? Далада-гиларнинг меҳнатига яраша шароит яратиб бераяпмизми? Тер тўкаётганларнинг тириқчилиги қанақа? Хуллас, қуруқ рақамлар, ҳавойи гаплар ўрнига одамларга амалий ғамхўрлик кўрсатиш чораларини кўрсак, тўғрироқ бўларди...

Умрия ака чуқур самимият билан бир маромда жон қуйдириб сўзлади, ҳар сўзида мантиқ, аниқ бир мақсад ётарди.

...Йиллар давомида мен унинг тили билан дили бир, фақат ўзгалар ҳақида кўп ўйлайдиган раҳбар эканлигига тан берардим. Хизмат тақозоси билан тез-тез учрашиб турардик. Қаерда бўлса-да, Умрия акани топиб олардим. Гапнинг очиғи, ундаги одамийлик ва одмилик, оддийлик, ва ҳокисорлик, ўз бурчига фидойилик, юксак маданият, маънавий баркамоллик ва билимдонлик мени ром этган эди.

Умрия Йўлдошевнинг таржимаи ҳоли оддий: 16 ёшидан мактабда ўқитувчилик қила бошлади, колхозда табелчи бўлди, партия сафига кирди, мактаб директори, МТС фирқа ташкилотининг котиби бўлиб ишлади. 1961 йилдан эса партия ишига кўтарилди. 1965 йилдан то умрининг охиригача Ўртачирчиқ туман партия комитети котиби бўлиб ишлади. Хуллас, қаерга юборишса, ўша ерда ҳалол, сидқидилдан ишлади, яхши из қолдирди, кўпчиликнинг ҳурматэътиборини қозонди.

Шундай одамлар борки, ҳар қандай лавозимда ҳам ўзгармайди, ички ва ташқи қиёфаси бир хил. Табиатан камтар, чин инсоний фазилатлари мукаммал, бошқалар ҳақида кўп ўйлайди, инсон аталмиш буюк зотнинг қадр қимматини баланд тутади. Раҳматли Умрия ака ана шундай одамлар тоифасига мансуб эди.

Ўша пайтда партия сиёсатига тил тегизиш, айниқса, дабдабали идеология ишлари ҳақида бир оғиз салбий фикр юритишнинг оқибатини изоҳлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Умрия аканинг узоқни кўра оладиган сермушоҳада, сертаҳлил одамлигига қатъий ишонч ҳосил қилардим. Кўпинча юзма-юз бўлгандаги ўзаро суҳбатларда у дилидагини тўкиб соларди. Ана шундай суҳбатларнинг бирида гап ғоявий ишларнинг самараси ҳақида кетди. Умрия ака ўз нуқтаи назарини шундай изоҳлади: идеология котиби сифатида бундай дейишим нотўғри, лекин, ўртада ақл-заковат, виждон борку. Кўпинча қуруқ ваъзхонлик қиламиз, одамлар гапимизга ишонмаслигини билиб туриб, билмасликка оламиз. Яна бунинг устига идеология ишларининг самарасини нима биландир ўлчамоқчи бўламиз. Энг катта хатомиз: дахрийликни тарғиб этяпмиз. Атеистик тарғибот заиф деб дўқ-пўписа қиламиз. Динга, масжидларга ҳаддан ортиқ осиляпмиз.

Суҳбат шу қадар қизғин тус олдики, Умрия аканинг айни пайтдаги жўшиб-тошиб сўзлаши мени ҳайратга солди. Одатда ўз фикр-мулоҳазалари, ҳулосалари мутлақо ҳақлигига ишонган ростгўй одамгина ўзини шундай тутади.

У майин табассум, йўқ-йўқ, қандайдир бир пинҳона истеҳзо, аччиқ киноя билан, жиндек дард-алам билан сўзида давом этди:

— Қани, айтинг-чи, эътиқоднинг, диний таълимотнинг нимаси ёмон? Турган-битгани эзгуликка даъват. Хўш, диний тарғиботдаги талаблар коммунизм қурувчисининг аҳлоқ кодексидаги тамойиллардан устун эмасми?

— Қуръонни ўқиганмисиз, унинг маъносига тушунасизми?

— Йўқ,— дедим.

— Ҳа, баракалла, Қуръоннинг нима эканлигини, ундаги таълимот нимадан иборат эканлигини ҳеч қайсимиз билмаймизу, атеистик тарғибот нуқул диний таълимотга, «рухсатсиз» қурилган масжидларга, муқаддас Қуръонга тил тегизамиз. Ахир оддий одамлар ҳақиқатни сиз билан биздан кўра яхшироқ билишади.

Мен бу айни ҳақиқатни биринчи марта Умрия акадан эшитган эдим. Эвоҳ, шундай кунларни кўриш унга насиб қилмади.

...Дарвоқе, расмий маълумотнома: узоқ йиллик ҳалол, фидокорона меҳнатлари учун Умрия Йўлдошев икки марта «Ҳурмат Белгиси» ордени, кўша-кўша медаллар ва бир неча фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Лекин, биринчи — энг катта мукофот ва баҳо — нафақат ўртачирчиқликлар, балки, вилоятимиз фаоллари кўпчилигининг иззат-ҳурмати, эътибори эди. Уни кўпчилик яхши танирди, қадрларди.

У билан сўнгги марта шифохонада учрашдик. Дард ғолиб келиб, Умрия ака анча ўзини олдирган, лекин руҳан тетик-бардам, иродаси букилмаган эди. Мен ўшанда бу бизнинг энг сўнгги учрашувимиз эканлигини, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, «Умрия ака оламдан ўтибди» деган совуқ хабарни эшитишимни ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Мен Умрия ака ҳонадонида меҳмон бўлиб, тунаб қолганимда бизга югуриб-елиб хизмат қилган Зикриё ҳозир катта институтда домла. Лутфулла, Ҳамидулла, Алишер, қизлари Маъмура ва Сайёралар жамиятда ўз ўрнини топишган, уйли-жойли, бола-чақали. Улар оталари чироғини ёқиб ўтиришибди. Умрия аканинг волидаи-муҳтарамалари ғоят таваррук ёшдалар. Салкам юзга бордилар. Бутун оила, набира, чеваралар, қариндош-уруғлар, ёр-дўстлар онаҳонни иззат-ҳурмат билан бошга кўтарадилар. Зикриё билан ҳар гал учрашганимда унинг кулишлари, сўз оҳанглари беихтиёр отасиникига ўхшаб кетганини кўраман. Умри ўхшамасин, илоҳим...

Инсон абадий уйқуга бош қўяр экан, унинг руҳи тириклар орасида қолади, дейишади. Одам жисман йўқ бўлгани билан руҳи тирик бўларкан-да! Демак, руҳ тирик экан, марҳумлар ҳам ҳаёт. Умрия аканинг порлоқ хотираси ҳам орамизда руҳан тирик, барҳаёт. Ана шундай покиза руҳларга таъзим қилайлик, ўтганларни унутмайлик, азизлар!

Н. НАСИМОВ.

МАҚСАД — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРИШ

Тошкент вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада яхшилаш мақсадида битим туздилар

Ҳозирги иқтисодий қийин шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бу ишнинг янги-янги усулларини жорий этиш вилоят касаба уюшмалари Кенгаши фаолиятининг туб мазмуни ташкил этади. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида ҳар йили тузиладиган ва изчиллик билан амалга оширилаётган анъанавий Битим марказида ҳам ана шу муҳим вазифалар қамраб олинаётгани бежиз эмас. Вилоят аҳолиси ижтимоий турмуши, ишлаб чиқариш, молиявий аҳвол, фуқароларнинг турмуш шароити, умуман, вилоятнинг бутун ҳаётини ҳар томонлама ўрганиб тузилаётган бу катта дастурий ҳужжат вилоятнинг кундалик ҳаётида алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўтган йили Битимда кўзда тутилган вазифаларнинг аксарият қисми муваффақиятли бажарилганлиги аҳоли турмушини анча енгиллатиш, кўпгина қулайликлар ва имтиёзлар яратиш имконини берди. Ушбу дастур асосида вилоят бўйича 12 мингга яқин янги иш жойлари яратилди. Бу борада айниқса, Паркент, Бўстонлиқ туманлари, Олмалиқ шаҳрида кўпгина ибратли тадбирлар амалга оширилди.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, вилоят Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси ўзаро ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга кўпроқ муҳтож бўлган кишиларни иш билан таъминлашни кучайтириш мақсадида ажратилган иш ўринларидан фойдаланишни ўз назоратларига олдилар. Корхона ва ташкилотларда иш ўринларини қисқартириш сабабли ишсиз қолган кишиларни янги касбларга ўқитиш ва қайта ўқитиш юзасидан бир қатор амалий ишлар қилинди.

Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида тузилган Битимга мувофиқ жойларда 89 нафар уруш ногиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини яшаётган хонадонларга телефонлар ўтказилди, 109 нафар уруш ногирони ва жангларда ҳалок бўлган 75 нафар ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари яшаётган уйлар таъмирлаб берилди. 307 нафар уруш фахрийсига соғлиқларини тиклаб олишлари учун тиббиёт муассасаларига йўлланмалар берилди.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бозор иқтисодиёти шароитларини ҳисобга олиб, қишки ва баҳорги таътилларда «Қумушкон» соғломлаштириш маркази ва «Баҳт» пансионатида 500 нафар етим болаларнинг сиҳат-саломатлигини яхшилади. Шунингдек, бепул йўлланмалар билан Орол бўйидан ҳамда экологик қийин худудлардан келган 2,5 минг нафардан кўпроқ ўғил ва қизлар ҳам шу ерда даволандилар.

Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун санаторийларга 6220 та, дам олиш уйлари ва пансионатларга 1387 та, профилакторийларга 24,6 мингта, пархез овқатланишга 3288 та йўлланма ажратилди. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини даволаш ҳамда яхши ҳордиқ чиқаришлари учун жами 15 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш дастури асосида изчиллик билан амалга оширилган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Яқинда Тошкент вилояти ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ўзаро ҳамкорлик яхши натижалар бераётганлигини ҳисобга олиб, 1995 йил учун ҳам янги битим туздилар. Унда янги иш жойларини ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга кўпроқ муҳтож бўлган ишсизлар учун жами иш жойларининг 7 фоиз миқдорини ажратиш, ишсизларнинг оила аъзоларига, уларнинг қарамоғидаги кишиларга Бандлик жамғармаси ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш каби масалалар алоҳида қайд этилди. Йил мобайнида ёлғиз яшаётган нафақахўрларни бепул овқатлантириш ишларига 3 миллион сўмга яқин, уларга махсус ёрдам ташкил этишга 1,5 миллион сўмга яқин, умуман, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 500 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратиш ҳам кўзда тутилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастури бўйича қариялар ва болалар уйларини, соғлиқни тиклаш марказлари ва бошқа ижтимоий таъминот муассасаларини зарур жиҳозлар, кийим-бош ва озиқ-овқат билан етарли миқдорда таъминлаш бўйича ҳам амалий ишлар қилиш мўлжалланмоқда. Вилоят ҳокими ва касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида тузилган Битим ғоят кенг қамровлидир. Унда ҳатто бажарилган иш учун маошнинг тўлиқ миқдорда ва ўз вақтида берилишини таъминлаш, маош тўланишида қарздорликнинг юзага келишига йўл қўйган раҳбарларга нисбатан чоралар кўриш масалалари ҳам қайд этилган.

Келажак — ёшларники. Уларни Ватанга садоқат ва муҳаббат, жамиятимиз истиқболига жонкуяр, муносиб ўғил ва қизлар этиб тарбиялаш маънавият соҳасидаги ишларнинг асосий йўналишини ташкил этади. Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида «Мана шу йўлда ўзини аямаётган, тадбиркор, ижодий зиёлилар, ўқитувчилар, шифокорлар, олимларимизга етарли даражада шароит туғдириб, ижтимоий жиҳатдан таъминлаб бериш бизнинг вазифамиздир» деб алоҳида таъкидлади. Шу соҳа кишиларини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш республика Президенти ва ҳукуматининг кундалик ғамхўрлигига олинганлиги, бир қанча Фармон ва қарорлар қабул қилинганлиги ҳам бежиз эмас. 1990 йил 13 ноябрдаги «Барча типдаги мактаб ўқитувчилари, болалар уйларининг тарбиячилари, юқори синф ўқитувчилари маошини ошириш ҳақидаги қўшимча имтиёзлар», 1992 йил 29 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилиниши муносабати билан республикамиз ижодий, тиббий ходимларига имтиёзлар ҳақида»ги Фармонлар ана шулар жумласидандир. Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари Кенгаши ушбу фармонларга асосланиб, ўқитувчи ва тиббий ходимларга уй-жой қурилиши учун ер участкаси бериш, қурилиш ашёлари билан биринчи навбатда таъминлаш тадбирларини белгиладилар. Бундан ташқари, дастур бўйича ўрта махсус ўқув юртлари, олий ўқув юртлари аълочи студентлар учун вилоят ҳокими стипендиясининг таъсис этилиши ҳам ёшларнинг ўқишда ва меҳнатда фаоллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Меҳнат, бандлик, хусусийлаштириш, меҳнат муҳофазаси, экология бўйича ва бошқа қонунларга қатъий риоя этилиши, хотин-қизлар ва вояга етмаган ёшлар меҳнатидан фойдаланишда қаттиқ назорат ўрнатиш, вилоят меҳнаткашларининг ҳуқуқларини поймол этувчи ҳар қандай қоидабузарликларга қарши кескин кураш олиб бориш юзасидан амалга оширладиган кўпгина ижтимоий масалалар ҳам биргаликда ишлаб чиқилган дастурда ўз аксини топган. Унда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга имтиёзлар яратиш, муҳтож ва камхарж кишиларга, оилаларга яқиндан ёрдам бериш,ишсизларни иш билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида улар учун хавфсиз иш шароитларини яратиш, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, хусусийлаштирилган корхоналарда ишчи ва хизматчилар ҳақ-ҳуқуқлари камситилишига сира ҳам йўл қўймаслик, меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилиш каби шу кунларнинг энг долзарб вазифалари ҳам вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари Кенгашининг диққат-эътиборига олинган.

Тошкент вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида тузилган Битим ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш, меҳнатчиларни ҳимоялаш, уларга тегишли ёрдам бериш соҳасида бошланган ишни изчил давом эттиришга ёрдам бериши табиий, албатта. Ислоҳотлар давомида барча меҳнаткашларни тенг ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш, айниқса, аҳолининг ночор қатламларига ёрдам бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳамма жойда меҳр-оқибат ва мурувватни қатъий қарор топтириш эса бозор иқтисодиётида алоҳида ўрин тутади. Шундай экан, вилоят аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш дастурида белгиланган барча вазифалар ижросини изчил назорат қилиб бориш ғоят муҳимдир.

Б. ПУЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши мутбуот марказининг мудири.



БАЙРАМ ШАРАФИГА

Қибрай туманида Ғалаба байрами шарафига боғлар барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Хўжақўрғон қишлоғида бу мақсад учун ажратилган ерга 200 тупдан ортиқ кўчат экилди. Бу ерда Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб ёдгорлик очиш ҳам мўлжалланмоқда. Худди шунингдек, туман марказида ҳам икки гектарлик боғ барпо этилмоқда.

Ш. МИРЮСУФЗОДА,
жамоатчи мухбир.

ЧИНОЗ туманининг Олмазор қўрғонида яқинда «Абдуғаффор ота» хусусий дўкони очилди. Бу ерда 70 хилдан ортиқ халқ истеъмоли моллари сотилмоқда. Аҳоли Комилжон, Абдукамол, Абдужалол Абдусатторовларнинг хизматидан мамнун.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЁШ ЭКОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Чиноз туманидаги 40-мактаб иқтидорли ўқувчилари, билимдон ўқитувчилари билан эл оғзига тушган. Бу даргоҳда экологик тарбия ҳам намунали йўлга қўйилган. Вилоят ёш экологлар IV анжуманининг худди шу масканда, ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Шу куни эрталабдан мактаб ҳовлисида карнай-сурнай садолари янгради. Вилоятнинг шаҳар, туманларидаги мактаблардан юзлаб ёш экологлар анжуманга йиғилдилар. Улар ўзлари тайёрлаган альбомларни, ўстирган гуллари, боқаётган паррандаларини ҳам бирга олиб келишди. Ҳар бир мактаб ўқувчилари алоҳида-алоҳида жойда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тажрибаларини акс эттирувчи экспонат, ўстираётган янги нав гуллари кўргазмасини ташкил этишди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини М. Ўринбосарова ёш экологлар конференциясини очиб, иштирок этаётганларни табриклади. Сўзга чиққан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Эргашев ўтказилаётган бундай анжуманларнинг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, экологиянинг софлиги, табиатимизнинг гўзаллигини асрашда ёшларнинг ўрнини алоҳида таъкидлади. Конференция иштирокчилари бўлган ўқувчилар ёш зоологлар, ёш ботаниклар, ёш экологлар бўйича ғолиблик учун курашдилар. Улар бу соҳалар бўйича чуқур билимга эга эканликларини намоён этдилар.

Кўрик-танлов ғолибларига вилоят халқ таълими бошқармаси ёрлиқлари, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг пул мукофотлари топширилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими раиси Ж. Роҳатова турли хил мевалардан тайёрланган шарбатларни ўқувчиларга тортиқ қилди.

Табиатни муҳофаза қилиш, ўсимликлар, ҳайвонот оламини асраб авайлаш кўникмаларини мактаб ёшиданоқ болалар онгига сингдириш, уларга табиатга нисбатан меҳр уйғотиш, айни вақтда бу соҳадаги билимини мустаҳкамлаш учун бундай тадбирнинг ўтказилиши айни муддаодир.

Ёш экологларнинг анжумани қатнашчилари бўлган 300 нафарга яқин ўқитувчи ва ўқувчилар унинг мазмунли ва юқори савияда ўтишига ёрдам берган 40-мактаб маъмурияти ва туман жамоа хўжаликларига чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар.

М. ОБИДОВА.

• *Чирчиқ шаҳрининг 60 йиллиги олдидан*

БИРИНЧИ ҚАҲРАМОН

ТУРДИАЛИ боғбон оиласи Қибрайнинг Хўжақўрғон қишлоғидан эскироқ аравага улов қўшиб «Қирғизқулоқ»қа кўчди. Ўшанда 1932 йил эди. Айни шу кезларда Чирчиқ дарёсининг атрофидаги тақир чўлларда ҳаёт жонланиб борарди. Тошкентдан, турли шаҳарлардан йўлланма билан келган ёшлар чодирлар тутиб, бўлажак қурилишларга ҳозирлик кўришарди.

Боғбон хонадонидагилар пахсалари нураб кетган бир торгина уйга жойлашишди. Отанинг тўрт нафар ўғли, ўша вақтда ташкил этилган «Чирчиққурилиш»га ишга кирди. Тўнғич фарзанди Таборак бинокор Т.Мўлдабеков раҳбарлигидаги бригадада йўл қуриш,ниҳоллар экиш, бараклар пардозлаш билан шуғулланди.

Таборак Турдиалиев болаликдаги ниятига 1935 йилнинг кузида эришди. «Чирчиққурилиш» қошида очилган ҳунар мактабида чилангарлик касбини эгаллади. Бундан ота-она беҳад ҳурсанд эдилар. Бир неча йил қурилишда ишлагач, унда экскаваторчи бўлиш орзуси туғилди. Уни қурилиш фаолларидан бири Ф. Егелькин малакали экскаваторчи Иван Подбуцкийга шогирд қилиб берди. Ўткир зеҳнли, тиришқоқ, ишчан йигитча ярим йил ичида экскаваторни бошқаришни ўрганиб олди. Кейин бир ой Москвада ўқиб келиб, ҳар қандай маркадаги тупроқ қазувчи, ер сурувчи техникани бемалол ҳайдайдиган бўлди. Шундай қилиб, Таборакнинг мустақил экскаваторчи сифатидаги фаолияти ўша 1935 йилдан бошланди.

У пайтларда «Чирчиққурилиш»да ўзаро мусобақа изчил йўлга қўйилган эди. Қаерда бўлмасин, завод ёки комбинат қурилишида ё турар — жойлар бунёд этишда, кўчалар очишда Т. Турдиалиев ғорликни қўлдан бермасди. Шанбаликларда фаол қатнашарди. Фидойи қурувчининг йиллар давомидаги тинимсиз меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унинг кўксини қатор медал ва орденлар безади. 1965 йил эса бинокор ҳаётида янада ёрқин из қолдирди. У Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Таборак Чирчиқдан чиққан биринчи қаҳрамон эди. Уни нафақат ҳамкасблари, бутун шаҳар аҳли муборакбод этди, десак муболаға бўлмас.

Эл орасида юксак эътибор топган Т. Турдалиевни 1967 йилдан бошлаб Чирчиқ электркимё комбинатига ишга жалб этишди. У пенсияга чиққунга қадар, яъни 1975 йилгача ўзи бунёд этишда фаол қатнашган бу комбинатда ҳозирги «Чирчиқэлектрохимпром» бирлашмасида меҳнат қилди. Шу йиллар мобайнида ўнлаб шогирдлар тарбиялади.

Меҳнат Қаҳрамони Т. Турдалиев пенсиядалик пайтида ҳам қўл қовуштириб ўтирмаяпти. У ўзи истиқомат қилаётган маҳалла фаоллари билан биргалакда ободончилик ишларида, тўйлар, маросимларни мазмунли ўтказишда фаол қатнашиб келмоқда. Ота ҳозир 80 ёшда. Умр йўлдоши Тожиниса ая билан улғайтирган олти фарзанди жамиятимиздан муносиб ўринларини топишган. Эндиликда улар байрамларда, ҳайитларда, оила даврасида. Умрларининг давомчилари — набиралар, чеваралар қуршовида савлат тўкиб ўтирадалар. Отахон файзли суҳбатлар чоғида ўзи бунёд этишда фаол қатнашган шаҳар ҳақида болаларга таассуротларини сўзлаб беради. Чирчиқнинг биринчи қаҳрамони ҳикояларини эса, айниқса, чеваралар завқ — шавқ билан тинглайдилар. Уларнинг чеҳрасидаги қувончни кўриб отахоннинг кўнгли шодликка тўлади.

С. ҲАСАНОВ.

САҲОВАТЛИЛАР КЎПАЙМОҚДА

ШАҲАР Қизил Ярим Ой жамияти кўмитаси ўтказган хайрия кунлари орамизда саховатли кишилар, жамоалар кўплигини кўрсатди. Бу тадбирга жалб этилган корхоналар, қурилиш ташкилотлари, муассасалар эътибори туфайли салмоқли маблағ тўпланди.

Яқинда ана шу жамғарма ҳисобидан жамият орқали 300 минг долларлик дори-дармон сотиб олинди. Ногиронлар, ҳаста етим-есирлар, ёлғиз қарияларни даволашда улардан фойдаланилмоқда.

Айни пайтда меҳр-шафқатлиларнинг муруввати туфайли 6 ойгача бўлган болалар сут маҳсулоти билан бепул таъминланаётирлар.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙГА БАҒИШЛАНДИ

МАРКАЗЛАШГАН қутубхонада турли мавзуларда кўргазмалар уюштириб турилади. Шулардан бири яқинда Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб ташкил этилди.

Бу ерда очилган навбатдаги кўргазма «Даврлараро алоқа мустаҳкамланаверади» мавзуида бўлиб, унда ёзувчи Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига тааллуқли китоблар, таниқли адиб тўғрисида мутахассислар, адабиётшунос олимлар томонидан газета ва журналларда ёзилган таҳлилий мақолалар ҳамда илмий очерклар ўрин олган.

ҲАФТАЛИК МАРОҚЛИ ЎТДИ

МАКТАБЛАРДА болаларда гўзаллик туйғуларини шакллантиришга бағишланган тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Хусусан, шоирлар, ёзувчилар, рассомлар билан учрашувлар шулар жумласидандир. Яқинда шаҳар бўйича ўтказилган мусиқа ҳафталиги унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, бу ўзига хос байрамга 9-болалар мусиқа мактаби талабалари муносиб ҳисса қўшишди. Ҳафталик муносабати билан Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган концертда бадиий ҳаваскорлар янги дастур билан чиқдилар. Улар урушда қатнашган фахрийларни шарафлаш, фронт ортида меҳнат қилган фидойи кишиларни улуғлашга бағишланган қўшиқларни ижро этдилар, шеърлар ўқидилар. Мактаб ўқувчилари шаҳардаги болалар уйида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг 80 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Мусиқа ва шеърият» кечасида ҳам фаол қатнашдилар.

Ш. ОБИДОВА.

Ғалабанинг 50 йиллиги

РАЗВЕДКАЧИ

Жанубий Украина фронтининг 325-ўқчи полки шиддатли жанглар билан Николаев шаҳрига келганда гитлерчиларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Фашистлар Буг дарёсининг нариги қирғоғига мустаҳкам истеҳком ўрнатиб, дарёнинг устидаги осма кўприкни ҳам назорат қилардилар. Уларнинг истеҳкомини ёриб ўтиш учун душманнинг заиф томони, қанча кучи борлигини аниқлаш зарур эди. Ана шу мақсадда разведка юборишга қарор қилинди. Разведкачилар командири, майор Харламов беш кишини танлаб, уларга топшириқнинг ниҳоятда муҳимлигини тушунтирди. Шундай қилиб Сергеев, Козлов, Шевченко, Шаталин ва 18 ёшли ўзбек йигити Ҳамид Исмоиловлар разведкага жўнашди.

Туннинг сутдек ойдин эканлиги аскарларга кўл келди. Улар шитоб билан дарё томон юришиб, кечув жойини чамалай бошладилар. Козлов тахминан бундай жойни биларди. Шу боисдан ҳам кўп юришмасдан дарёнинг саёзроқ жойини танлашиб, ишга киришдилар. Барчаси автоматларини бўйинларига осиб сувга тушишди. Аскарлар гоҳ сузиб, гоҳ юриб қирғоқка яқинлашадиган, Ҳамид эса қирғоққа яқинроқ сув ичи бўйлаб кўприк томонга борадиган бўлишди.

— Сен шинелингни ёпиниб сув оқими билан сузиб боравер, ўқ узишса сувга шўнғи, бирор нарсани кўрсанг, бизга ишора билан хабар қил, — деди Козлов.

Немис соқчисини биринчи бўлиб Ҳамид сезди. У автоматига суянганича мизғирди. Ҳамид жуда эҳтиёткорлик билан буни шерикларига билдирди. Фурсат ғаниматлигида соқчи «гумдон» қилинди. Вақтни ўтказмай кўприк ёнгинасидаги ташлланганини билиб олди.

Полк қисқа муддатда нариги қирғоқни ишғол этиб, Темвот қишлоғига ҳужум бошлади. Қўққисидан қилинган ҳужум душманни гангитиб қўйди. Улар орасида парокандалик юз бериб, пала-партиш чекина бошладилар. Кўп ўтмай қишлоқ ёвдан бутунлай тозаланди. Шундан сўнг полк жангчилари Кироворог, Снегировка, Харьков, Кременчуг, Полтава каби шаҳар ва қишлоқларни ҳам фашистлардан тозалаб, Одесса томонга силжий бошладилар.

Суратда Ҳ. Исмоилов рафиқаси билан.

Уйчага кирган йигитлар бу ерда пинакка кетган уч немис солдатини тезгина қуролсизлантириб, қўлларини боғлашди. Тезда у томонга хабар беришни Ҳамидга ишониб топширишди. Чунки душман пайқаб қолса ҳали жанг бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмасди. Ҳ. Исмоилов кўприкдан чопиб ўтиб, ўзимизникиларга хабар етказди. Харламов «асир»лар билан суҳбатлашиб, дарёнинг ёқасида душманнинг кучи жуда кам эканини, асосий куч бу ердан етти километр узоқроқда, яъни Темвот қишлоғига ташланганини аниқлаб, ўзимизга хабар қилди.

Ана шу шаҳарларни озод этишда разведка маълумотлари муҳим роль ўйнади. Ҳамид ака ва унинг шерикларига 20 мартага яқин разведкага боришга тўғри келди, Украинанинг кўп шаҳарлари учун бўлган жангларда иштирок этган 325-ўқчи полки аскарлари Ғалаба байрамини Берлинда нишонладилар. Улар орасида Ҳамид ака ҳам бор эди.

Урушни ғалаба билан якунлаган Ҳамид ака уйга қайтишга шошилмади. У кўнгиллилар қатори Карпат тоғларини бендерачи ва власовчилардан тозалашда фаол қатнашиб, жасорат намуналарини кўрсатди. Ўзининг жасурлиги, билимдонлиги ва мардлиги билан назарга тушган Ҳ. Исмоиловни гвардиянинг сиёсий бўлимига ишга олишди. Ҳ. Исмоилов 1949 йили Чиноз туманига келди. У дастлаб ишни «Чиноз» наслчилик давлат хўжалигида (ҳозир жамоа хўжалиги) ишчилар қўмитаси раислигидан бошлади. Кейин ҳосилот-иқтисодчи, бош ҳосилот, партия ташкилоти котиби. 1976 йилдан 1985 йилгача Олмазор боғдорчилик узумчилик давлат хўжалигида директор бўлиб ишлади. У ишлаган йиллари давлат хўжалиги энг юқори кўрсаткичларга эришди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент қишлоқ хўжалик олийгоҳини битирди. Ҳамид ака тўрт марта Бутунитифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида қатнашиб, бронза медалларини олишга муяссар бўлди. Энг муҳими Ўзбекистон Олий Кенгашининг 3 та Фахрий ёрлиғини олди. Шунингдек, у бир орден, 10 та медалнинг соҳиби ҳамдир. Ҳозир Ҳамид ота республика аҳамиятига молик нафақахўр, «Чиноз» наслчилик жамоа хўжалиги уруш ва меҳнат фахрийларининг раиси. У хўжалик раиси Тўлаган Омаров билан 80 нафар уруш иштирокчиларининг ҳолидан тез-тез хабар олиб туради. Кам-кўстлари бўлса ёрдамини аямайди.

Ҳозирги тинч ҳаётимиз, фаровон турмушимиз ва Ватан озодлиги учун жон тиккан, захмат чеккан Ҳамид оталар ҳар қандай ҳурматга, эъзозга лойиқ. Биз уларни яқинлашиб келаётган Ғалаба байрами билан қутлаб, умрларига барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Орзиқул МАЪМУРОВ.
Чиноз тумани.

— Наби ака, сиз яхши биласиз. Илгарилари «бизда меҳнат шон-шараф ишидир» деган гаплар кўп айтиларди. Очиғи, биз қаламкашлар ҳам бундай жумлаларни ёзишни жуда яхши кўрардик. Ҳақиқатан ҳам меҳнат шон-шараф иши бўлиб келганми?

— Очиғини айтадиган бўлсам, ўша даврда бу гаплар кўп ҳолларда оғзаки гап бўлиб келган. Нима десам экан, бизга ўхшаган меҳнатдан қочмайдиган одамлар ҳар ҳолда кам бўлмаган. Тирикчилигини ўзлари амаллашган. Бировга муҳтожлик сезишмаган. Лекин, қанча ҳаракат қилмайлик биз деҳқонларнинг косамиз оқармасди, биримиз икки бўлиши қийин кечарди. Сабаби маълум. Биздақаларнинг етиштирадиган маҳсулотимизга кўз тикиб турувчи «хўжайин» ва «хўжайинча»лар жуда кўп эди-да. Эрта тонгдан то кеч қоронғусигача меҳнат қилганимиз билан ўзимизча даладан егулик бирор килограмм маҳсулотни ёлчитиб олиб кетолмасдик. Йўлда ушлаб, безор қилишарди. Қаердан олдинг, қаерга олиб кетяпсан, деб ўғрига чиқаришарди. Барака топкур ахир деҳқонман, ўзим етиштирганман, десак ҳам «қани қоғози, ёздириб олганмисан», деб ҳолижонимизга қўйишмасди. Ана шундай пайтда одамга жуда алам қилиб кетарди. Ахир далада ҳосил ошиб-тошиб ётарди. Режамизни аллақачон бажариб қўйган бўлсак, нега энди ҳаққимиз йўқ... Вақтида олиб кетишмайди-ку, ириб-чириб, сасиб ётгандан кўра рўзғорга ишлатсак нимаси ёмон эди. Лекин, ҳеч ким буни тушунгиси келмасди.

Мустақил бўлиб, ижарачилик қилиб, ерга эгалик қила бошлагачгина деҳқоннинг кўкрагига шамол тегди. Бунинг устига маҳсулотимизнинг қадр-қиммати ортди. Шартномадаги маҳсулотларни хўжаликка топширамиз. Қолганига ўзимиз эгалик қиламиз. Хоҳласак хўжаликка келишилган нархда топширамиз, хоҳласак бозорга олиб чиқиб сотамиз. Ана энди меҳнатни ҳақиқатан ҳам шон-шараф иши десак арзийди. Бола-чақамиз билан ёпишиб ишлаймиз. Ҳар қарич ердан мўл ҳосил олсак, деймиз.

— Ўнга яқин ўғил-қизларингиз, элликка яқин невараларингиз бор экан...

— Ҳа, шундай. Мен сизга айтсам, ҳаммасининг тирикчилиги шу дала, ер билан боғлиқ. Тўғри, ўғил-қизларим уйли-жойли бўлиб кетишган. Қизларим маҳалладан ортмади, шу ерга келин бўлиб тушган.

Фарзандларимнинг ўз касби-кори бор. Лекин, бўш бўлди дегунча қараб туришмайди, менинг олдимга келишади. Дада, биз ҳам далага чиқайликми, сизга қарашворайликми, бизга нима иш бор? Бор бўлса айтаман, бўлмаса, раҳмат дейман. Барака топишсин, мени ҳурмат қилишади, айтган чизиғимдан чиқишмайди. Айримларга бу эриш туюлиши мумкин. Улар ҳам мустақил-ку. Ўз йўли, ўз йўриғи йўқми? Наби ака фарзандларининг ўз ихтиёри ўзида эмас экан-да, деб ўйлашар, балки. Йўқ, ундай эмас. Ҳар бирининг ўз қобилияти, ўз иззат-нафси бор. Буни яхши биламан. Лекин, шуни ҳам унутмаслик керакки, ота-она бирор фарзандини қойиб насиҳат қилиб, у-бу гапни қулоғига қуйиб, бирон ишга буюрар экан, ҳеч вақт у фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Яхши бўлсин, униб-ўссин, бировга мутелик сезмасин, дейди. Афсуски, буни ҳамма ҳам тушунавермайди.

Далада оила аъзолари, невара-чевараларнинг ҳар бири учун ўзининг ёшига яраша иш топилади. Улар ана шу юмуш билан сидқидилдан банд бўладилар. Буни ташкил этиш, бошқара билиш менинг зиммамда. Мен ҳар куни иш якунлангач, эртанги кун режасини чамалайман.

— Фикримча масаланинг ўта муҳим томони шундаки, каттадан кичиги меҳнатга ихлос қўйиб, бўйни ёр берган оилада ҳаёт бир қадар тинч, осуда, хотиржам ўтади. Чунки, ҳар ким ўзига иш, юмуш топади. Шу билан банд бўлади. Демакки, оилада ҳар хил майда-чуйда гапларга, келишмовчиликларга, фисқи-фасодларга ўрин қолмайди.

— Ҳамма гап шунда-да. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Оиладаги норозиликлар, жанжаллар, эр-хотин ўртасидаги баъзан бўлиб турадиган «сен-мен»лар кўпинча етишмовчиликдан келиб чиқади. Бизда эса, худога шукур, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ, рўзғоримиз бут ва бисёр. Ҳозир бозор иқтисоди, бироз қимматчилик бўлишига қарамай яхши яшаяпмиз. Даромадимиз орзу-ҳавасимизга ҳам етяпти. Бундан ортиқ тағин нима керак?

Мен сизга айтсам, ҳамма иллатларнинг дояси бу — бекорчилик. Бекордан ҳамма безор, деб бежиз айтишмайди-ку. Кимки тани-жони соғ етти мучали омон бўлатуриб, ҳаётдан нолиса, турмуш қийин бўлиб қолди, деса ўзидан кўрсин. Бундайлар боқимандалик касалига мубтало бўлиб қолишган. Ҳаётлари, тирикчиликлари яхши бўлмаётганлигини ўзларидан, феъл-атворларидан, дангасаликларидан, лоқайдликларидан кўришсин.

Менга ёрдам беришмаяпти, иш билан таъминлашмаяпти, ойлигим жуда кам, деб юқорига шикоят қилиб чиқадиганлар бор. Улар фақат ўзларини ўйлаб иш тутишади. Бир нарсани ундиришим керак, деб раҳбарнинг эшиги олдига «кўрпа-тўшак қилиб ётиб олишдан» ҳам тойишмайди.

— Наби ака, жуда тўғри масалани кўтардингиз. Агар эзмалик бўлмаса, мен ҳам бир воқеани айтиб берай.

— Айтинг, эшитайлик...

— Ҳаётда бўлган воқеа. Буни менга вилоятимиздаги хўжаликлардан бирига узоқ йиллар давомида раҳбарлик қилган, ўша машъум «пахта иши»га қўшилиб «сабзавот иши», «чорва иши» ҳам чиққан пайтларда ҳамма текширтекширлардан омон чиқиб, ўзига доғ туширмаган бир сабзавоткор раис айтиб берган эди.

Бир куни туман раҳбари уни чақирибди. Фалончини биласизми, деб бир одамнинг номини айтибди... Биламан. Анови сўққабош эркак-да! Ўзингиз айтганингиздан сўнг хўжаликка ишга олганмиз. Ҳозирча у-бу иш қилиб юрар, деб фермага жойлаштириб қўйганмиз. Шунга ҳам бир йил бўлди.

— Яқинда шу одам менинг олдимга келди. Сизга бир илтимос қилган экан...

— Ҳа, гап бу ёқда денг. Келганди. Менга товуқчилик фермасини берсангиз, деб ҳоли-жонимга қўймаяпти. Мен эса, йўқ дедим. Ахир сиз мутахассис эмассиз, товуқчилик бу нозик касб. Хўжалигимизда бор-йўғи ўзи мингта товуқ бор. Агар яхши қаралмаса, бир касал тушиб қолса борми, ҳаммаси қирилиб кетади. Унда нима бўлади, ким жавоб беради. Ана шуни ўйлаб йўқ, дедим.

— Энди гап бундай, раис бува, — деди раҳбар, — бу одамни биласиз. Бекор ранжитибсиз. Берақолинг ўша товуқ фермангизни ўшанга. Биласиз-ку, ёзғувчи одам у. Тағин юқорига арз қилса, менга иш бермаяпти, деб бир идорага борса, яна қўнғироқбозлик бошланади. Яна бошимизни қотиришади. Ўзи текшир-текширдан жуда безиб турибмиз.

Бу гапларни туман раҳбарининг оғзидан эшитиб ҳангу-манг бўлиб қолдим.

Наҳотки, ахир, қўлидан иш келмайдиган одамга қандай қилиб, бутун бошли фермани топширишим керак.

Бошлиққа бу гап ёқмабди.

— Бунча ўжар бўлмасангиз, — деди у, — мен айтгандан кейин қилинг—да. Балки эплаб кетар.

Ортиқча гапга ҳожат қолмаган эди.

Лекин, шубҳа қилганим ўринли бўлиб чиқди...

Бир куни денг чорвани текширгани комиссия келиб қолса бўладими? Айниқса товуқчилик фермасидан жуда катта камомад топишди. Ҳамма айбни менга тўнкашди. Кадрни яхши танламагансиз, қараб турмагансиз, ўз ҳолига ташлаб қўйгансиз, дейишди.

Бояги комиссия билан бирга туманимизнинг ўша раҳбари ҳам бор эди. Мен унга қарадим, у ерга қаради. Сирни бой бермади. Биламан, гапириб бўлмасди. Мен айтган бўлсам, ўзингнинг калланг қаёқда эди, деб барибир айбини ўзимга қўяди. Шунақа воқеалар бўлган...

Наби ака бу ҳикоямни эшитиб таъсирланди шекилли:

— Буни тушунса бўлади. Ўша раҳбарингизнинг бояги одам олдида тили қисиқ жойи бўлган-да! Шунинг учун ёзғувчи, «шикоятчи» билан олишиб ади-бади айтиб ўтиришни ўзига эп билмаган. Ўзига ортиқча ташвиш орттирмаган. Мендан нарироқ юраверсин, деган. Ўз тинчи, хузур-ҳаловатини, амалига заррача путур етказмасликни ўйлаган. Қаранг-а, бу орада унинг арзини, шикоятини текшириш учун қанчадан-қанча одам овора бўлди, қанчадан-қанча вақт беҳуда сарфланди. Одамлар ишдан қолди, асаб бузилишларини айтмайсизми? Лекин, шикоятчи пинагини бузмади. Айтганларингиз ёлғон чиқди-ку, тасдиқланмади-ку, десангиз айбини тан олгиси келмади. Ҳа, билмай қолибмиз, палончи, писмандончининг гапига ишониб ёзибмиз, кечирасизлар, деб икки букилиб ялтоқланди. Кечирдилар, иккинчи бундай қилманг, деб огоҳлантирдилар. Ишдан бўшатдилар. Шу билан шикоятчи, қанчадан-қанча эл бойлигини совурган бўлишига қарамай, қутулди қолди. Аслида у мақсадига етганди. Туппа-тузук раҳбарни бадном қилди. Соғлиғига путур етказди. Хўш, шундай бўлгач, шикоятчининг осонликча қутулиб қолиши қайси бир мантиққа тўғри келади?! Бизнингча бундай бўлиши керак эмас. Ашаддий, одамларнинг асабига тегиб, соғлиғига путур етказиб, зиёнзахмат келтирадиган шикоятчиларга ҳам тегишли жазо берилиши керак. Ана шунда улар ўйлаб иш қиладилар.

Лекин, тарози палласи бир томонга қараб, оғиб кетмаслиги шарт. Шикоятчи ҳам ҳар хил бўлади. Ҳақ сўзни айтиб, ҳақини талаб қиладиганларни ўйламай-нетмай арзчига, шикоятчига чиқариб қўйиш ярамайди. Ундайларга диққат билан қулоқ солиб, арз-ҳолини эшитиб, ҳақ бўлса, албатта, ёрдам бериш керак. Бу жиҳатдан туманимиз раҳбарига қойилмиз. У киши бирон шикоятчи келса, икки томонни юзлаштириб бақамти қилиб, ҳақиқатни ойдинлаштирмагунча қўймайдилар. Шунинг учун ҳам ун-чамунча шикоятчи ботиниб келмайди бу ерга.

Умуман олганда яна такрор айтаманки, меҳнаткаш одамдан ҳеч вақт шикоятчи чиқмайди. У ўз муаммоларини ўзи ҳал қилади. Болаларини ҳам шунга даъват қилади. Мен баъзида кўчакўйдан ўтганимда, ҳайрон бўламан, кўни-қўшниларнинг «девдай-девдай» болалари уч-тўртта бўлиб олиб, валақлаб юришади. Ота-оналарининг ҳам иши бўлмайди. Ўйда ана шу фарзандларига иш йўқ, дейсизми, бор, албатта. Баъзиларнинг томорқа ерига қараб бўлмайди. Бўш, ҳеч нарса экилмаган, ўт босиб ётибди. Нима учун бу томорқага шу фарзандларини ишга жалб этиб, жуда бўлмаганда, оиланинг рўзғорига етадиган мева-чева, сабзавот етиштириш мумкин-ку.

Йўқ, ундай қилишмайди. Меҳнат қилиб, жон қойитиб нима қиламиз, деб фикр юритишади. Бир-икки соат тижоратчилик билан шуғулланишса бўлгани. Бир дунё пулни топишади. Ана ундан кейин бозордан истаган маҳсулотини олиб чиқаверади.

Биз болаларимиз бозор-ўчарга, ҳисоб-китоб билан иш қилишга ўргансин, топармон-тутармон бўлсин, дедик. Бу тўғри, албатта. Лекин, ҳар бир нарсанинг меёри, ўлчови, чегараси бўлади-ку! Бу соҳада суиистеъмолчиликка йўл қўйиб юбормадикми? Бола ёшлигидан осон йўл билан пул топишга, савдога ўрганиб қолса борми. Кейин жиловини бериши қийин бўлмайдими? Бир воқеани айтиб берай. Ўтган йили бироз тобим қочиб, касалхонага тушиб қолдим. Ўзини тижоратчи деб таништирган, ола-байроқ кийим кийиб олган бир ўспирин билан ҳамхона бўлиб қолдим. Айтишига қараганда унинг кўкраги қисиб оғрир эмиш. Лекин у даволанишни, шифокорларнинг айтганини қилишни хаёлига ҳам келтирмасди. Унинг олдига ҳар куни ўзига ўхшаган ёш-яланглар тўда-тўда бўлиб келишади. Бояги йигитча улар билан бир чеккага чиқиб олиб, алланималар ҳақида суҳбатлашишади, баҳслашишади. Кўзлари бежо, уёқ-бу ёққа алангжаланг қарайди. Сездимки, у бозор-ўчардан, ҳар куни чўнтагига тушиб турадиган жарақ-жарақ пулдан қуруқ қолаётгани учун безовта эди. Ахири чидай олмади шекилли, касалхонадан чиқиб кетди.

Афсуски, ёшлар орасида бундайлар кўпайиб кетди-да.

— Наби ака, модомики гап сохта тижорат устида борар экан, яна бир нарса ҳақида фикрингизни билмоқчиман? Аёлларнинг, ёш қиз-жувонларнинг тижорат билан шуғулланишига қандай қарайсиз?

— Бу жуда муҳим ва нозик масала. Мен бир оилани биламан. Бу оиланинг аёли хорижга қатнаб мол-пол топиб келади. Эри уни бозорга олиб бориб сотади. Бироқ уйида ёш болалари ёлғиз қолади. Энг каттаси мактаб ёшида. Баъзан уларга қарайдиган ҳеч ким топилмайди. Овқатланиши, чой-пой ичишнинг тайини бўлмайди. Кўпинча ака-сингиллар хархаша қилишиб, бир-бирлари билан уришиб, кўча чангитиб юришади, кўрганимда ачиниб кетаман. Бундай қилиб, мол-дунё топиб, турмуш кечиришдан мақсад нима? Болаларнинг келажаги нима бўлади?Деҳқончасига, эркачасига айтадиган бўлсам аёл кишининг тижорат билан шуғулланиши, айниқса, уйдан чиқиб кетиб, юртма-юрт юриши бу — унинг фаришталиги, иффат ва назокати қўлдан бой берилди, дегани эмасми?! Энди бундай аёл оила тебратишга, бола-чақасини рисолладагидек қилиб боқишга, тарбиялашга ярамайди! Бу катта йўқотиш, катта офат эмасми? Ғарчи бундай уйда мол-дунё бисёр, ошиб-тошиб ётса ҳам, ейиш-ичишдан камчиликлари бўлмаса ҳам, бироқ тинчлик, аҳиллик, тотувлик, файз, қут-барака бўлмайди! Ёғ ичида яйрамаган буйрак, деб шунга айтадилар-да! Бу менинг шахсий фикрим. Айримлар эҳтимол аёллар ночорликдан тижорат билан шуғулланишади, деб эътироз билдириши мумкин.

Лекин шундайлар ҳам борки, турмуш ўртоғи туппа-тузук лавозимда ишласа, ўзига тўқ бўлса ҳам юртма-юрт кезади. Бўлган сари бўлсам, дейди. Лекин бола-чақаси, оиласи ҳақида ўйламайди.

Хатарлиси шундаки, бели оғримасдан, уни-бунга уриштириб пул топадиган бундай одамлар, йигитчаларни, ёш-яланглари ота-оналар, жамоатчилик тергаб турмаса, тўғри йўлга бошламаса, охир оқибатда улар издан чиқадилар. Нотўғри йўлга кириб кетадилар. Маишатга, ичкиликбозликка бериладилар, маънавий инқирозга юз тутадилар. Бора-бора тижоратчиликдан ҳам мосуво бўладилар. Ана буёғи ёмон ва даҳшатлидир! Энди уларда ярамас иллатлар, «одат»лар илдиз отади. Даврлари келганда яхши еб, яхши ичиб, яхши кийинишга ўрганиб қолишган эмасми, хумори тутади. Иложи йўқ! Нима қилишларини билмай қолишади. Бошлари гаранг. Ўзларини ўққа-чўққа уришади. Бор буд-шудларидан ҳам айрилишади. Харчанд уринишмасин, ишлари юришмайди. Нима қилиш керак? Улар кўролмаслик, ҳасадгўйлик касалига мубтало бўлиб қолишади. Иғвогар, шикоятчиларга айланиб қоладилар. Буни ўзлари ҳам сезмайдилар.

Бу билан мен нима демоқчиман? Тижоратда ҳам тижорат бор. Агар ўзингиз меҳнат қилиб, моддий бойлик яратсангиз, ишлаб чиқарсангиз ва уни сотсангиз эл-юртнинг кор-ҳолига ярасангиз бундан ютасиз. Ҳурматингиз ҳам, обрўйингиз ҳам ортади! Шунинг учун ҳам ота-оналар болаларини ёшликдан меҳнатга, илм олишга муҳаббат руҳида тарбиялашлари керак. Ана шунда фарзанд дунё танийди, сиз орзу қилгандек қобил фарзанд вояга етади.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

— Бўлдими, деҳқончилик ишларидан гаплашмаймизми?

— Мен сизни яхши биламан. Ҳар йили ўзингизга берилган режаларни ошириб бажарасиз. Ишни дўндириб қўясиз. Мўмай даромад оласизлар. Бир саволга жавоб беринг-чи, энди тўла маънода деҳқонга эрк, мустақиллик берилган, деб айта оламизми?

— Ерга эгалик қилаётганимиз, юқоридан буйруқ кутмай ўзимиз, еримизнинг шароитини ҳисобга олиб, қайси экинни хоҳлайди-ю қайси экинни хоҳламайди, билиб экаётганлигимиз яхши бўлди. Режадан ташқари ҳосилни ўзимиз сотамиз. Лекин, ҳали ҳам баъзида, мутасаддилар келиб, уни қиласиз, буни қиласиз, деб туришади. Бурноғи йили, шундай воқеалар рўй берди. Эртаги картошка экиш керак эди, кечикди. Уруғ ҳадеганда келмади. Лекин, бир куни олиб келишди. Мана шу уруғни эзиб-ғанчлик билан экинглар, дейишди.

Мақтаниш эмасу мен ҳар қандай кўчатни, уруғни бир қарашда ҳосил берадими, йўқми, билиб оламан. Ўзи айтиб туради. Ўшанда мен бу уруғни экмайлик, яхши ҳосил бермайди, деб қаршилик билдирдим. Лекин, айтганимга кўнмади. Экаверинг, деб мажбур қилишди. Ана шундан кейин экдик. Лекин, айтганим тўғри чиқди, ўша йили картошка ҳосили бўлмади. Уруғ кузги, узоқ муддатда пишадиган уруғ эди-да у ерга тушгач, ҳар қанча ишлов берсак ҳам без бўлиб тураверди. Чиримади. Чиримаган уруғ ҳосил тугмайди. Ўша йили биргина биз эмас, бошқа кўпгина деҳқонлар ҳам чув тушиб қолишди. Меҳнатлари зое кетди.

Ҳа, майли, деҳқончилик таваккалчилик-да, у экиндан бўлмаса, бошқасидан ҳиссасини чиқариб олармиз, деб ўзимизни овутдик, далда бердик. Ахир имкониятларимиз ҳаминқадар-ку. Энг муҳими, меҳнатимиз қадр топяпти. Шунинг учун унча-мунча муаммолар бўлса, бундан буён ўзимиз ечамиз, ўзимиз ҳал қиламиз.

... Мен даладан қайтар эканман ўйлаб, мушоҳадалаб ният қилардим. Юртимизда Наби ака Эшонов сингари деҳқонлар кўпайсин, Уларнинг қадрига етайлик, ҳурмат-иззатларини жойига қўяйлик. Ана шундай қилсак, дастурхонимиз ҳамиша тўкин бўлади.

Н. РИҲСИЕВ.

• *Ажойиб одамлар билан суҳбат*

ТАРБИЯНИНГ ОТАСИ — МЕҲНАТ

дейди Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг деҳқон-фермери Наби ака ЭШОНОВ



Донолар дейдики, меҳнаткаш оилада ҳеч вақт ғийбат, шикоят, ҳаётдан нолиш, фиску-фасот бўлмайди. Чунки улар ҳамиша тирикчилик, эл-юрт ташвиши билан андармон бўладилар. Шунинг учун ҳам у деб, бу деб юқорига, мутасаддилар олдига арз ва шикоят билан чиқиб юрмайдилар. Бунга уларнинг вақтлари ҳам бўлмайди. Мен кўпдан буён ана шундай оила бошлиғи билан танишиш, суҳбатлашишни ният қилиб юрардим. Кекса, меҳнат фахрийси, кўпни кўрган, тажрибали деҳқон Наби ака ана шундай ажойиб инсонлардан экан. Уни онаси далада туққан дейишди. Камдан-кам ҳолда уйда бўлади. Ҳозир ҳам борсангиз даладан топасиз. Авжи қизғин палла эмасми, бутун оиласи — фарзандлари, невералари билан далада. Даласи узоқ эмас экан. Шундоққина жамоа хўжалиги идорасидан икки чақиримча наридаги халқа йўл ёқасида жойлашган. Бордим. Ҳақиқатан ҳам Наби ака фарзандлари билан эртаги сабзавот экинлари чопиғини қилаётганди. Таниди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, болаларига иш буюрди-да, чайласига таклиф этди. Мен ҳам ён дафтар ва қаламни бир чеккага суриб қўйиб Наби ака билан очиқчасига дилдан суҳбатлаша бошладим. Деҳқон меҳнати қадри, оила ташвиши, фарзанд тарбияси, болаларни ёшликдан меҳнатга муҳаббат руҳида ўстириш, уларни эл-юрт иши учун фидойи одамлар қилиб етиштириш ва бошқа муаммолар тўғрисида бирбиримиз билан савол-жавоб қилдик. У киши бор тажрибаларини, ҳаётий фикр-мулоҳазаларини тортинмай айтиб бердилар.

**— Ҳа, гапингиз тўғри, Наби ака. Ҳаётимизда ҳаммамиз учун ибрат бўлиб, ҳаётимизга ёруғлик бериб, ўзимизга ишонч уйғотиб, ҳаётимизнинг ҳар бир лавҳасини ёритиб, ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасини ҳаётбахш ҳаракатлантириб, ҳаётимизнинг ҳар бир ҳаракатини ҳаётий ҳа

Кузатув

ОНА — ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ

Ватан ҳимоясига отланаётган йигитларнинг юзидаги ҳаяжонини, қувончу фахр-туйғуларини кўрганмисиз, ҳеч?! Уларнинг ортидан ой бориб, омон қайт, деб дуо қилаётган оналар кўздаги севинч ёшини ёки бўлажак аскарнинг укаларидаги самимий ҳавас жилоларини-чи?!

Юрт хизматида бўлиш ҳар бир норғул, оқилу паҳлавон йигитларга олам-олам ғурур бахш этади. Айни кунларда республикамизнинг барча жойларида йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимлари байрамлардек серфайз ва тантанали равишда ўтмоқда. Ана шундай маросимлардан бири куни кеча вилоятимизда ҳам бўлди. Чақирув жойига тўпланган ота-оналар, жамоатчилик вакиллари бўлғуси ватан ҳимоячиларига оқ йўл тиладилар.

Кузатиш маросимида вилоят Ёшлар иттифоқи қўмитасининг котибаси Н. Жабборова, вилоят Мудофаа Ишлари бошқармаси бошлиғининг муовини А. Қосимов, вилоят фахрийлар кенгаши раиси А. Алимов, Янгийўл тумани Х.Турсунқулов жамоа хўжалигида яшовчи А. Назиралиевлар сўзга чиқиб, аскарликка кузатилаётган йигитлар олдида турган шарафли бурч масъулияти ҳусусида сўзлаб, ўзбеклар номини дунёга достон этган Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзо қоларверса Широқ, Муқанна каби улуғ аждодларга муносиб бўлиш зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталдилар.

— Биз бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг мустақил армиясига хизмат қилиш учун отланган эканмиз, — деди янгийўллик Н. Исоқов тенгдошларига қарата. — Уни чин кўнгилдан ўташ: ҳарбий касбни яхши ўрганиш, хизмат аълочиси номига сазовор бўлиш, ҳар нафас ҳарбий қасамёдимизга содиқ қолиш йигитлик бурчимиздир. Шундай экан, ушбу кун ота-оналаримиз олдида, юртимизга муносиб фарзандлар бўлиб қоламиз, деб ваъда берамиз.

А. РАИМОВ

• Кузатиш пайти.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

«Қутадғу билик»ни биласизми?

ПИСКЕНТ ТУМАНИДАГИ 1-ўрта мактабда туркий халқларнинг буюк донишманди, шоир Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик» асари яратилганлигининг 925 йиллиги муносабати билан илмий анжуман бўлиб ўтди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Тошкент вилояти бўлими томонидан уюштирилган бу анжуманни туман хокими муовини Юсуфжон Одилов очиб, туманда маданий ва маърифий соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача гапириб берди. Шундан сўнг пискентлик олим Қаюмжон Каримов ёзма адабиётимиз тарихининг илк даврида яратилган «Қутадғу билик» асарининг мазмуни, унинг адабиётимиз тарихида тутган ўрни ҳақида илмий маъруза қилди.

Йиғилганлар Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, Қўлёзмалар институтининг директори Азиз Қаюмов, Юсуф Хос Хожиб ижодининг йирик тадқиқотчиси Ғанижон Абдурахмонов, филология фанлари докторлари Қосимжон Содиқов, Ҳамидулла Дадабоев ва бошқаларнинг адабий-маънавий меросимиз ҳақидаги қизиқарли суҳбатларини мароқ билан тингладилар.

Анжуманда мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган «Қутадғу билик» достони асосидаги адабий-бадиий дастур намойиш этилди.

Оққўрғон хабарлари

ИШ ЎРГАНИШГА — СЕУЛГА

Республика Меҳнат вазирлиги тадбирига кўра оққўрғонлик ўн нафар ишсиз йигит Жанубий Корея пойтахти — Сеулга жўнаб кетди.

Улар хорижда ҳам ҳунар ўрганишади, ҳам малака оширишади. Бу ёшлар келгусида Оққўрғоннинг ўзида мазкур хорижий давлатдан келтирилган дастгоҳларда косиб, тўқувчи касбларида ишлайдилар. Маҳаллий ёшларга устозлик қиладилар.

Меҳнат қўникмаси олиш учун чет элга отланган йигитлар билан туман меҳнат биржасида кузатиш маросими бўлди. Кузатувчилар, сафарга жўнаётган ёшларнинг ота-оналари, дўстлари уларга оқ йўл тиладилар.

БИРЖАДА «АЛАНГА»

Биржа қошида яна бир «Аланга» кичик корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Мазкур корхона туман хўжаликларидаги хонадонларни газлаштириш ва қишлоқларга газ қувурлари ўтказишдек хайрли ишга бош қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Туманда газлашмаган учтўрт хўжалик қолган, холос. Ана шулардан бири А. Икромов номли жамоа хўжалигида ҳозир газ қувурлари ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. «Аланга» кичик корхонаси бошқа хизматлар қаторида пайвандлаш ишларида зарур бўлган электрод тайёрлашни ҳам яхши йўлга қўйиб олди.

ҲУНАР — ҲУНАРДАН УНАР

Туман меҳнат биржасида бугун ана шу халқ мақолига амал қилиняпти. Йил бошидан жойларда «Устоз-шогирд» гуруҳларини ташкил этишга киришилди. Ҳозир турли хўжаликларда ана шундай 12 та гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами 100 га яқин ишсиз кишилар ҳунар ўрганмоқдалар.

«Устоз-шогирд» гуруҳларида ўқиш муддати уч ойга мўлжалланган бўлиб, уни битириб чиққан кишиларга ҳунар ўрганиб чиққани ҳақидаги гувоҳнома ва ишга йўлланма берилади.

И. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

(Ҳажвия)

Учинчи қаватда Шариф пиён деган киши яшайди. Унинг ғалати одати бор. Ичиб келган куни уйига кирасолиб оёғидаги ботинкасини ечадида, бирин-кетин деворга қараб ирғитади. Шунда девор икки марта гумбурлаб кетади. «Ер қимирлаяпти» деб қўшнилар юрагини ҳовучлаб қолади. «Ўчир!» деган таҳдидли зуғум эшитилгач, бу Шариф пиён эканлигини билиб қолишади. «Бу қилиғингни ташла» деб, аввалига қўшнилар биргалашиб «пўстагини қоқдик». (Мастлигида эмас, хушёрлигида, албатта). У гуноҳини бўйнига олиб, бизлардан кечирим сўради ва бошқа бу номаъқулчиликни такрорламасликка ваъда берди. Орадан икки кун ўтар-ўтмас яна ўша-ўша... Бу сафар «дом»дагилар йиғилишиб уни ўртага олдик.

Гапирмаган одам қолмади. У бўлса мум тишлаб турaверди. Охири хотини унинг номидан йиғилганлардан кечирим сўради. Йиғлаб-сиқтаб ҳамманинг кўнглини юмшатди. Биз уни яна кечирдик.

Шу гаплардан кейин бу одатини ташласа керак, деб ўйлаган эдик, йўқ, ўрганган кўнгил... Орадан икки кун ўтгач яна ўша гумбурлаш ва «ўчир» деган таниш овоз.

Тоқатимиз тоқ бўлди. «Бўлса бўлди, бўлмаса кўчириб юборамиз», деган жаҳд билан унинг масаласини «маҳалла кенгаши»да кўндаланг қўйдик. Кўпчилик орасида айтилмаган гап қолмади. Айтилган гапларни бешинчи қаватдаги Света опанинг кучукчаси эшитганда уйдан бош олиб кетган бўларди. Яна ким билади дейсиз?

Минг қилса ҳам орияти бор экан. Ҳўнграб йиғлади. Эркак йиғласа тош ҳам эрийди, деганларидай ўтирганларнинг кўнгли ийиди. Панд-насиҳат билан чегараланиб қолишди.

Кеча ўртоғимнинг тўйига бориб, ўша ерда қолиб кетдим. Букуниси уйга келсам, қўшнилар Шараф пиённи ўртага олиб папалашяпти. Нима гап, деб сўрасам, иккинчи қаватдаги Тўса хола: «Бунинг бу кечаси ҳам ухлатмай чиқди!» деди. Шариф пиён эса:

— Тўғри, кеча ичиб келдим, — деди гуноҳига икрор бўлиб, — Ботинкамнинг бир пойини ечиб деворга ирғитдим, иккинчисини ҳам ирғитмоқчи эдим, бирдан сизларга берган ваъда эсимга тушиб, иккинчи пойини секингина ерга қўйдим ва тинчгина кўрпанинг тагига кириб ётдим.

— Тўғри, — деди Тўса хола унинг гапларини тасдиқлаб. — Сен бир пой ботинкангни отдинг. Нега иккинчи пойини кетма-кет отмадинг? «Бу иккинчи пойини қачон отаркан?» деб эрталабгача ухламай чиқдик.

— Бу ишингиз яхшимас, — деди тўртинчи қаватдаги Кўзибой тоға. — Бундан кейин бу ишни минбаъд қилманг! Раз бир пойини отдингизми, иккинчисини ҳам отинг. Биласизку, ҳаммамиз ики марта гумбурлашга ўрганиб қолганмиз.

Қўшнилар бу гапни маъқуллашди...

Иккинчи кун тун... Ана отди, ҳозир иккинчисини ҳам отади... Ҳа, отди. Биз ҳотиржам ухлашга киришдик.

Илҳом ЗОЙИР.

ҲАР ТЎҒРИДА

ДАНАК БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ЭЛЕКТРСТАНЦИЯ

Швецияда иссиқлик электрстанцияларида одатдан ташқари ёқилғи турларидан фойдаланиш борасидаги тажрибалар давом эттирилмоқда. Ўрик ва шафтоли данаклари... ёқилғи сифатида хизмат қилмоқда. Греция билан, жумладан, ана шундай ноанъанавий ёқилғи хом ашёси етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланган.

Беҳуда ташлаб юборилаётган бу хом ашё мавжуд қувватларнинг иссиқ беришини тўла таъмин этиш билан бирга кўмир ёки нефтдан фарқли ўлароқ атроф муҳитни энг кам даражада булғатади.

ШИША ИДИШГА ЖО БЎЛГАН КЕМАЛАР

Норвегияда жаҳонда ҳеч тенги ва ўхшаши йўқ ғаройиб бир музей очилди. Лиллесанд шаҳридаги бу музейга барча ўтмиш замон ва халқларга тааллуқли кемаларнинг ниҳоятда жажжи ва нафис моделлари ўта маҳорат билан жойлаштирилган 259 та шиша идиш доимий кўргазмага қўйилган. Улар орасида шиша ичига жо бўлган қирол сайр елканининг митти нусҳаси ҳам бор.

ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИДА

15 апрель куни Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари ходимлари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг биринчи чорагида пойтахт вилоятида халқ осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Маъруза қилган Ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи милиция полковники О. Жалилов йилнинг ўтган даврида изчиллик билан амалга оширилган бир қатор тадбирлар сабабли жиноятқидирув йўналиши бўйича содир этилган жиноятлар нисбатан камайганлигини таъкидлади. У, шунингдек, бошқарма ва унинг бўлинмаларида баъзи камчиликлар рўй бераётганлигини ҳам айтиб, нуқсонларни тугатиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди.

Йиғилишда Тошкент вилояти прокурори А. Маннонов сўзга чиқиб, барча ҳуқуқий идоралар пойтахт вилояти ҳудудида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганлигини қайд этди.

Вилоят ҳокимлиги бўлим бошлиғи С. Хўжаева йиғилиш қатнашчилари эътиборини жойларда участка вакиллари ишини янада фаоллаштириш масаласига қаратди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки участка вакиллари ўз ҳудудларидаги ҳар бир ҳонадон, ҳар бир оила аъзоларини яхши танийдилар, улар билан яқин ҳамкорликда ишласалар, кўплаб жиноятларнинг олдини олишга муваффақ бўладилар.

Йиғилишда шаҳар ва туман ИИБ бошлиқлари, вилоят ИИБ бошқармалари раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб, ишни янада яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, аниқ таклифлар киритдилар.

Йиғилишда келажакда амалга ошириладиган тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Р. ЁДГОРОВ.

ФОЙДАСИ ТЕГСА, ҲАР ҚАНДАЙ ТАДБИР ҲАМ ЯХШИ

Тошкент вилояти ИИБ жиноятнинг олдини олиш бошқармаси белгиланган режа асосида яқинда вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда «Турмуш» ва «Назорат» тадбирларини ўтказди. Шу йилнинг 13 январидан буён ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари вилоят бўйича ўтказилаётган «Тозалаш», «Оила», «Фуқаро» каби оммавий тадбирлар яхши самаралар бераяпти. Хўш, бу тадбирларнинг мазмун ва моҳияти нималардан иборат? Уларни ўтказишдан қандай мақсадлар кўзда тутилган?

ЖИНОЯТНИНГ олдини олиш, халқ осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, содир бўлган жиноятларни қисқа вақт ичида очиш вилоят ички ишлар бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Ўйлаб, изчиллик билан ўтказилаётган «Тозалаш», «Орият», «Фуқаро», «Турмуш», «Назорат» каби тадбирлар вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва турли хил жиноятчиликка қарши муҳим чораларни қўллаш билан бирга кўпгина кишиларни хато йўлдан қайтиш, уларнинг ҳаётида бурилиш ясаш имконини ҳам бераётир.

Бундай тадбирларда ички ишлар ходимлари билан бирга кенг жамоатчилик ҳам иштирок этмоқда. Уларнинг ёрдамида аввал содир этилган 155 та жиноятнинг фош қилинганлиги ҳам ушбу тадбирларнинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатяпти.

Вилоят ички ишлар бошқармаси айни пайтда аҳолида ноқонуний сақланаётган қурол-яроқларни аниқлашга ҳам алоҳида эътибор беряпти. Тадбирларни ўтказиш даврида фуқаролардан ноқонуний тарзда сақланаётган 299 та турли хил қурол-яроғлар, 108 та ўқ-дорилар ҳамда сақлаш қоидаларини бузганлиги учун 297 та ўқ отадиган қуроллар тортиб олинди. Биз, шунингдек, шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари ҳисобида турган ва илгари судланган шахсларнинг турмуш тарзига ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Йилнинг биринчи чорагида милиция ходимлари таъаббуси билан 172 нафар шахс маъмурий назоратга олинди, илгари судланган кўпгина кишиларнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитларини ҳар томонлама ўргандик. Улардан айримларининг ишга жойлашишларига ёрдам бердик. Жамоат тартибини муntазам бузиб келаётган шахсларга нисбатан эса, аксинча, маъмурий жазо чораларини қўллашга тўғри келмоқда. Жумладан, жамоат жойларида спиртли ичимликларни истеъмол қилган 1100 дан кўпроқ шахслар ушланди. 840 нафар майда безорилар ва 844 нафар талон-тарожчилар қўлга олинди.

Айниқса, «Фуқаро» тадбирининг таъсир кучи кўпроқ натижалар беряпти. Кишиларнинг паспорт тизими қоидаларига амал қилиши синчиклаб ўрганилганида қонун-қоидаларни бузган салкам 8700 нафар шахсдан 177 нафарининг ўмуман фуқаролиги йўқлиги маълум бўлди. Табиийки, уларни маъмурий жавобгарликка тортишга тўғри келди. Тадбир давомида юриш-туришининг тайини бўлмаган кимсалар ушланиб, қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаларига юборилди. Текшириб кўрилганда улардан 50 нафари жиддий жиноятга қўл урган, қидирув эълон қилинган шахслар экан. Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган 52 дайдини эса мамлакат ҳудудидан чиқариб юборишга тўғри келди. Ўтказилган тадбир асосида вилоятни жиноий унсурлардан тозалашга алоҳида эътибор қаратяпти. Жумладан, 708 нафар жиноий «унсурлар» тўпланадиган жойлар аниқланди, гиёҳвандлар ёки уларни тарқатаётган 74 нафар киши-дан 2,9 килограмм гиёҳванд моддалар мусодара қилинди. Булардан ташқари беҳаёлик билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан ҳам тегишли чоралар кўрилди.

Тадбирларда, шунингдек асосан йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ишлар қамраб олинмоқда. Ўтказилган текширишлар натижасида 11,5 минг нафар ҳайдовчи тартиб-қоидани бузгани учун тегишли жазога тортилдилар. Маълум бўлишича, улардан 616 нафари спиртли ичимлик ичган ҳолда машиналарни бошқарган. Мастлик билан жиноят ўртасидаги масофа бир қадам, деган гап бор. Биз шуни эътиборга олиб, ичкилик сабабли йўл қоидасини бузган транспорт ҳайдовчиларига нисбатан қаттиқроқ чоралар қўллашга ҳаракат қиляпмиз.

Валюта қоидаларини бузаётган ва улар билан ноқонуний савдо-сотиқ қилаётган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиш тамойиллари ҳукуматимиз қонунларида ўз аксини топган. Афсуски, шунга қарамай, айрим нопок шахслар фойда кўриш мақсадида ғайриқонуний тарзда валюта савдоси билан шуғулланмоқдалар. «Тозалаш» тадбирини ўтказиш даврида валюта операциялари қоидаларини бузган 56 киши жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Тадбир давомида илгари содир бўлган кўпгина жиноятлар ҳам очилди. Бундай ишлар билан шуғулланган ва қидирувда бўлган 104 жиноятчи қўлга олинди. Булардан ташқари «Тозалаш» тадбири бошлангандан кейин вилоят ҳудудларида жойлашган 660 та халқ хўжалиги биноларининг техник ҳиҳатдан мустаҳкамлиги ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати ҳам текширилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаган 1105 нафар кишига салкам 10 минг сўм миқдорда жарима солинди.

Шу йилнинг 1 апрелидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳамда маъмурий кодекс тўла кучга кирди. Уларда, жумладан, вояга етмаганлар жиноятн олдини олиш борасидаги қонун-қоидалар тўлиқ тавсифлаб берилган. Ушбу қонунларда ёшлар ўртасида тарбиявий-профилактик ишларни такомиллаштириш, мактаб ва бошқа муассасаларда ўсмирлар, йигит ва қизларга самарали таъсир ўтказиш ёшлар ўртасида жиноятчиликни кескин пасайтириш омилларидан бири эканлиги қайд этилган. Вилоят ИИБ жиноятнинг олдини олиш бошқармаси ана шу вазифаларга амал қилиб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятнинг олдини олиш мақсадида 45 минутлик видеолавҳа тайёрлади. Бу видеолавҳаларда кўпгина ёшлар ўзлари билмаган ҳолда жиноятга қўл уриб, безорилик қилиб, қамоққа тушганликлари суратга олинган. Видеолавҳалар ҳозир вилоятнинг барча мактабларида, ҳунартехника билим юртларида ва бошқа тарбия муассасаларида намойиш қилинмоқда. Бу эса ёшлар ўртасида интизом ва тартиб-қоидани мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Белгиланган режалар асосида ўтказилаётган тадбирларда кўплаб ички ишлар ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этаётгани ҳам ўзининг ижобий натижаларини беряпти. Жамиятимиз ҳалқимизга ёт иллатлардан тобора тозаланиб бормоқда.

И. РАСУПОВ.
Тошкент вилояти ИИБ Жиноятнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция майори.

СПОРТ

ПОЛВОНЛАР ПИСКЕНТДА ТЎПЛАНАДИ

Ҳа, эшитмадим, деманглар. Ўзбекистоннинг энг кучли полвонлари, миллий кураш шайдолари Пискентга тўпланади. Келаётган шанба ва якшанба кунлари бу ерда республика полвонларининг миллий кураш (Фарғонача усул) бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтади.

Яқин вақтларда ҳам тобора унутилиб бораётган, Ўзбекистон мустақил бўлгач, қайта эътибор топаётган миллий кураш спортимиз яқин йилларда Осиё, сўнг жаҳон биринчилиги мусобақалари рўйхатидан жой олса ажаб эмас. Ҳар қайси элат, ҳар бир мамлакатнинг ўз севган спорт тури бўлганидек, Турон заминини, Ўзбекистонни миллий кураш спортисиз тасаввур этиб бўлмайди. Полвонларимиз жаҳон миқёсига чиқиши учун бир қатор ташкилий, оммавий ишларни амалга оширмоқ даркор. Камида 5 та мустақил давлат ўз миллий биринчиликларини ўтказиб туриши ҳамда уни Осиё, жаҳон спорт ўйинлари доирасига олиб чиқиш учун далолатнома юбориши зарур бўлади.

Мусобақалар арафасида вилоятимиз полвонлари жамоасининг бош устози, нафақат республика, балки Ўрта Осиё, собиқ иттифоққа донг таратган, Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони Эркин МУСАЕВ билан мулоқотда бўлдик.

— Эркин ака, сизни давраларда жуда кўп кўрганман. 60-70-йилларда ўз вазнингизда сизга тенг келадиган ҳарифлар деярли йўқ эди. Яхшиси, ўзингиз ҳақингизда икки оғиз гапириб берсангиз.

— 1961-1972 йилгача 81 килограмм вазнли полвонлар ўртасида сурункасига Ўзбекистон чемпиони унвонини эгаллаганман. 1973 йили Ўрта Осиё чемпиони бўлдим. Ҳозир ёшларга тажрибаларимни ўргатиб келяпман.

Ҳа, Эркин Мусаев қаерда полвонлар беллашуви бўлади, деса чопонини елкага ташлаб ўша ерга кетаверарди. Гоҳо қўлини, гоҳ курагини чиқариб, гоҳо бели лат еб келган кезлари ҳам бўлган. Лекин сира-сира афсусланмаган. Даволаниб, яна давраларга чиқаверган. Бир сўз билан айтганда курашнинг ҳақиқий шайдоларидан биридир.

— Биласизми, — дейди Эркин Мусаев, — ҳар бир инсоннинг севган машғулоти бўлар экан. Мен ҳаётимни курашсиз тасаввур этолмайман. Раҳматли Нуриддин полвон Маликов, Олим полвон Пўлатов, Тўйчи полвон Раҳимбоев, шунингдек, ҳозирда устозлик қилаётган Абдуҳалил Бегматов, Рихсибек Файзуллаев, Абдурашид Тошпўлатов билан бир-биримизга устоз-шогирд бўлиб давраларга чиқардик.

— Пискентда бўладиган полвонларнинг мусобақалари ҳақида нима дея оласиз?

— Энг аввало унинг ташкилотчилари, жонкуярлари, хусусан, бу ишга бош-қош бўлаётган туман ҳокими Абдумутал Шерматовнинг хизматларини таъкидлаб ўтсангиз ўринли бўларди. Бу одам ҳақиқатан ҳам кураш мухлиси, қачон, қайси вазиятда ҳузурига бирор масалада ёрдам сўраб кирсангиз, йўқ, деган сўзини эшитмайсиз. Ҳамиша ёрдам қилади. Мана, бу сафарги Пискентда ўтадиган полвонларнинг мусобақалари учун кетадиган бутун сарф-харажатларни ҳам ҳокимлик ўз зиммасига олди. Голибларни телевизор, гилам, тулпор ва бошқа мукофотлар кутмоқда.

Куни кеча Термизда Ўзбекистон Президенти мукофоти учун бўлиб ўтган полвонларнинг халқаро мусобақасидан кейин Пискентдаги бўлажак бел олишувлар полвонларимиз учун улкан байрам ва яна бир синов бўлади.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Футбол

ЧЕМПИОННИНГ ҒОЛИБОНА ОДИМИ

Футбол бўйича Ўзбекистоннинг уч карра чемпиони Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси навбатдаги тўртинчи турда яна ғалабага эришди. Бу сафар фарғоналиклар ўз майдонларида МХСК жамоасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида устун келдилар ва тўрт учрашувдан сўнг 12 очко тўплаб якка пешқадамлик қилмоқдалар. Вилоятимиз вакиллари «Политотдел» футболчилари Марғилонда «Атласчи» меҳмони бўлиб, 1:3 ҳисобида енгилишди. «Чирчиқ» эса ўз майдонида Жиззахнинг «Сўғдиёна» клубини қабул қилиб, 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — АСК — 0:0, «Наврўз» — «Трактор» — 2:0, «Янгиер» — «Пахтакор» — 1:1, «Машъал» — «Темирйўлчи» — 2:0, «Нурафшон» — «Навбаҳор» — 2:0.

Навбатдаги тур учрашувлари 23 апрелда бўлади. Бунда вилоятимизнинг икки вакили — «Политотдел» ва «Чирчиқ» ўзаро учрашади.

«ҒАЗАЛКЕНТ» ЯККА ПЕШҚАДАМ

Биринчи табақада иштирок этаётган Бўстонлиқнинг «Ғазалкент» футболчилари учинчи турда яна ғалабага эришдилар. Улар бу сафар Наманганнинг «Наврўз» жамоасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида устун келишди. Шундай қилиб, уч ўйиндан сўнг уч ғалабага эришган «Ғазалкент» футболчилари 9 очко билан ўз минтақаларида якка пешқадамлик қилмоқдалар.

Чирчиқда маҳаллий «Кимёгар» жамоаси билан Қибрайнинг «Маданият» клуби ўртасидаги ўйин 1:1 ҳисобида тугади.

Ажойибот-ғаройибот

ТОБУТГА АЙЛАНГАН НИКОҲ ЛИБОСИ

Дорихонага ҳовлиқиб кириб келган 50 ёшлар чамасидаги бу аёл кўринишидан шаҳарликлардан деярли фарқ қилмаса-да, нимаси биландир кишининг эътиборини ўзига тортарди. Унинг чеҳрасида биз учун одатий ҳолга айланган тақдирга тан бериш, давр қийинчиликларига қўникиш ифодаларидан асар йўқ, аксинча юз-кўзларида қаттиқ ҳаяжон ҳамда саросима аломатлари зоҳир эди. Шўрлик аёл ақли хушини йўқотган одамдек, жонсараклик билан сўзлар, дориларнинг номини чалкаштириб юборарди. Бир дам эсини йиғиб, фикрини жамлашга ҳаракат қиларди-ю, бироқ беихтиёр яна талвасага тушиб қоларди.

Кассир аёл уни ўзига келтириш мақсадида: «Неча сўм тўлашингиз керак»—дея саволга тутди. Ўзининг аҳволидан ҳижолатга тушган аёл сергак тортиб, шоша-пиша ортига қайтди-да, дориларнинг нархини қайта сўраб олди. Кейин харидини кўтариб кетишга чоғланди ва ногаҳон таққа тўхтади-ю, тутила-тутила ғалати воқеани сўзлай кетди. Аёлнинг тазаррусига қулоқ тутарканмиз, даҳшатдан этларимиз жунжикиб кетди...

...Хаммаси марҳума қизи тушига кирган кундан бошланди. Қизгинаси 18 га тўлиб вояга етганини, турмушга чиқиш вақти келганини, ўзига муносиб қўёв ҳам топиб қўйганини маълум қилди. Яқин орада тўй бўлишини айтиб, шу сабабли никоҳ кўйлаги ҳамда оқ рангли пойафзал зарурлигини таъкидлади. Ана шу нарсаларни бир бўхчага тугиб, уйларидан узоқ бўлмаган катта асфальт йўлдан ўтиши лозим бўлган мовий рангли юк машинаси ҳайдовчисига топшириши онасидан ўтиниб сўради. Машина эртаси куни тушлик вақтидан кейинги бир соат ичида ўтишини ҳам уқтирди...

Уйқудан чўчиб уйғонган онаизор анча вақтгача ўзига келолмади. Бундан икки йил муқаддам фожиали равишда ҳаётдан кўз юмган дилбанди кўз ўнгида намоён она чуқур ўйга толди. Бу ажабтовур ўтинчи бажарсинми ёки йўқ!...

Аёл яқинларининг маслаҳатларига қулоқ осмай, дўконмадўкон кезиб, келинлик либосларини излай кетди.

Ниҳоят барча зарур нарсаларни олиб айтилган соатда белгиланган жойга борди ва интиқлик билан машинани кута бошлади. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас узоқдан мовий рангли юк машинаси кўринди. Машина аёлнинг жон-жаҳди билан кўл силкишларига парво қилмай тезликни ўзгартирмасдан шитоб билан елиб келаверди. Машина қаттиқ гийқиллаганча аёлнинг нақ бурни остида таққа тўхтади. Эшикни жаҳл билан очиб машинадан тушган ёшгина ҳайдовчи сўкина сўкина ранги докадек оқариб кетган онанинг қаршисига келди. Аёл йигитни тинчлантириб, бўлган воқеани қўлидан келганча сўзлаб берди ва чуқур хўрсиниб қўлидаги тугунни унга узатди. Ҳайдовчи даҳшатдан донг қотиб қолганди... Бир оздан сўнг у йўл чеккасига шилқ этиб ўтирди-да, Афғонистонда бевақт хазон бўлган аскар йигитнинг жасади солинган темир тобутни ота-онаси ҳузурига олиб кетаётганини айтди. Аёлнинг эса никоҳ либосини тобутга солиб, қабрга қўйишларини илтимос қилишдан ўзга иложи қолмаганди.

«Миражи» ҳафтаномасидан Сайда ЖУРАЕВА таржимаси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0147. 17188 нусҳада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қогоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 1 2 3 4 5 6